БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 205 (16.591). | 2 сентябрь, 1976 йил, пайшанба | Баҳоси 2 тийин.

ДАЛА ИШЛАРИГА — ЮКСАК СУРЪАТ ВА СИФАТ!

АССАЛОМ, МАКТАБ!

Республикадаги ўқувчилар, студентлар, ўрта-махсус ўқув юртлари талабаларининг кўп миллионли армияси учун 1 сентябрь куни шодиёна байрамга айланиб кетди. Улар янги ўқув йилига зўр завқ-шавқ билан қадам қўйдилар.

Совет мактаби ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида жиддий имтиҳондан ўтади. Совет мактаби бутун ўқув жараёнида таълим сифатини ва самарадорлигини ошириш, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида КПСС XXV съезди ўртага қўйган катта вазифаларни ҳал этиши керак.

Ўзбекистонда шу куни юзлаб янги мактаблар, олий ўқув юртларида ўқув корпуслари, техникумлар, ҳунар-техника билим юртлари эшикларини кенг очди. Улар замонавий ўқув кабинетлари, лабораториялар, спорт заллари, устахоналар билан жиҳозланган.

Шу куни Тошкент шаҳар Собир Раҳимов районидаги 165-мактабнинг кенг, ёруғ синфлари ҳам ўз қучоғига ўқувчиларни олди. «Главташкентстрой» 70-қурилиш бошқармасининг бичокорлари болалар билан ўқитувчиларга ажойиб совға тақдим этдилар. Улар 11 ой ўрнига 8 ой мобайнида 1500 ўқувчига мўлжалланган шинам мактаб комплексини барпо этдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов мактабга машғулотлар бошланиши олдидан етиб келди. У ўқитувчилар, қурувчилар билан суҳбатлашиб, болаларни янги ўқув йили билан қизғин табриклади, уларга аъло ўқиш, билимларни эгаллаш, коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари бўлиш истагини билдирди.

Ш. Р. Рашидов Низомий номли педагогика институтига бориб, бу олий ўқув юртининг студентлари ва ўқитувчилари билан учрашди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолигига кандидат С. У. Султонова ўқув йили бошланадиган куни Тошкент мактабларида бўлишди. (ЎзТАГ).

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқлар Вьетнам Социалистик Республикасининг миллий байрами муносабати билан Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти ўртоқ Тон Дик Тханга, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ле Зуанга, ВСР Миллат мажлиси Доимий Комитетининг раиси ўртоқ Чионг Тинга, ВСР ҳукумати Бош министри ўртоқ Фам Ван Донгга самимий табрикларини йўлладилар.

Телеграммада бундай дейилади:

Вьетнам халқи бундан 31 йил муқаддам шонли Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг асосчиси ва йўлбошчиси президент Хо Ши Мин бошлиқ шу шонли партия раҳбарлиги остида Август революциясини амалга оширди, Шарқи-жанубий Осиёда ишчи-деҳқонларнинг биринчи давлати — Вьетнам Демократик Республикасини барпо этди.

Вьетнам халқи ўтган йиллар мобайнида ғоят буюк сабот-матонат ва қаҳрамонлик кўрсатиб, қардош социалистик мамлакатларнинг, бутун прогрессив инсониятнинг холисона ёрдами ва мададига суяниб, империалистик агрессияга қарши курашда ғоят буюк ғалабаларни қўлга киритди, ўзининг озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилди, шимолда социализм негизларини қуришда, мамлакатнинг жанубидаги демократик революция вазифаларини ҳал этишда ажойиб ютуқларга эришди. 1975 йил баҳорида Жанубий Вьетнамнинг батамом озод этилганлиги мамлакатнинг давлат миқёсида батамом қайта бирлашганлиги ва бутун мамлакат территориясида пролетариат диктатураси давлати — Вьетнам Социалистик Республикаси тузилганлигининг эълон қилиниши Вьетнам тарихида янги саҳифа очди.

Телеграммада уқтириб ўтиладики, Вьетнам Социалистик Республикаси халқаро майдонда социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан биргаликда актив ташқи сиёсат йўлини ўтказиб, Осиё ва бутун дунё халқлари ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига катта ижобий ҳисса қўшмоқда.

Пролетар интернационализми принципларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, совет халқи социализм қуришда Вьетнам халқига бундан кейин ҳам ҳар томонлама ёрдам бераверади, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализмининг муқаддас принциплари негизида социалистик мамлакатлар бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси билан, Вьетнам Социалистик Республикаси билан қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни ҳар жиҳатдан ривожлантириб, мустаҳкамлайверади.

МЕХАНИЗАТОРЛАР МУСОБАҚАСИ

ПАХТАЗОРДА БЕЛЛАШАЙЛИК

Қадрдон ҳамкасбим Тошпўлат Қосимов!

Республикамиз пахтакорлари ўнинчи беш йилликда пахтачиликни янада юксалтиришга қатъий қарор қилганликларини яхши биламиз. Жонажон партиямизнинг XXV съезди тарихий қарорларида белгиланганидек, 1980 йилга бориб республикамизда етиштириладиган пахтанинг миқдори олти миллион тоннага етиши зарур. Бу юксак маррани эгаллаш йўлида съездлар йилида олға томон катта қадам қўйилади. Бу йил она-Ватанга 5 миллион 300 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришимиз керак.

Колхозимиз райондаги йирик ва юқори ҳосилли хўжаликлардан бири ҳисобланади. Бизда пахта етиштириш йил сайин кўпаймоқда. Тўққизинчи беш йиллик план анча ошириб бажарилди. Бултур 1450 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34,5 центнердан ҳосил олинди. Давлатга пландаги 2465 ўрнига 4800 тонна «оқ олтин» сотилди. Бу йил 1580 гектар майдонда деҳқончилик қилмоқдамиз. Пахтакорларимиз йил бошида ҳосилдорликни ўтган йилдагига нисбатан 3,5 центнер ошириш ва 38 центнерга етказиш ҳақида сўз беришган эди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток Леонид Ильич Брежневнинг мамлакатимиздаги бир группа машҳур механизаторларга жавоб мактуби ва Мирзачўл районидаги Абай номли совхознинг Расул Ҳайдаров бошлиқ бригадаси коллективига хатидан илҳомланиб ҳамда далада етиштирилган ҳосилнинг чўғини чамалаб кўриб, дастлабки мажбуриятларини қайта қараб чиқишди. Ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил олиш ва давлатга 6320 тонна пахта сотишга қарор қилишди.

Хўш, бу бажарса бўладиган реал мажбуриятми? Ҳа, аввало, бу йил ҳар гектар ерда бултургига нисбатан 25 минг туп кўп — 125 минг туп кўчат бор. Қолаверса, ғўза ёз бўйи сифатли парвариш қилинди. Биз механизаторлар мавжуд 32 культиватор билан ғўзани олти марта сифатли культивация қилдик, уч марта озиқлантирдик. Биз олиб борган эгатларга юздан ортиқ сувчи тўрт марта сув тараб, экинни обиҳаётдан баҳраманд қилди.

Мен Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Пўлат Тошхўжаев бошлиқ бригаданинг комплекс механизациялашган звеносига бошчилик қиламан. Мана, бир неча йилдирки, бригадамиз ҳам, мен бошлиқ звено ҳам ҳосилдорликда байроқдор бўлиб келмоқда. Бултур бригадада гектаридан 44 центнердан, звеномизда эса 45 центнердан ҳосил олинди. Бу йил бригадамизда 118 гектар майдоннинг, звеномизда эса 59 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олиш ҳақида сўз берганмиз.

Шу нарса характерлики, бригадамизда ҳам, звеномизда ҳам етиштирилган ҳосил асосан машиналар билан териб олинмоқда. Бу йил барча етиштирилган ҳосилни кўл меҳнати сарфламасдан фақат машиналар ёрдамида териб олишни назарда тутмоқдамиз. Колхозимиз механизаторлари эса «зангори кема»лар бункеридан 5000 тонна пахта тўкишга аҳд қилишган. Шу мақсадда улар мавжуд 32 та терим агрегати, 128 та тележкани сифатли ремонт қилиб қўйишди. Пахтаси машинада териладиган участкалар ажратилди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти тузган тадбирларда ғўзани дефолиация қилиш, теримни бошлаш, план ва мажбуриятни бажариш муддатлари аниқ белгиланди.

Мен бултур икки қаторли машина билан 150 тонна пахта терган эдим. Бу йилги маррам 200 тонна. Сўзимнинг устидан чиқиш учун ҳаракат қиламан.

Дўстим Тошпўлат! Сиз ҳам ўз колхозингизнинг пешқадам механизатори эканингизни, ерни шудгор қилиш, баҳорда уни экишга тайёрлаш ва чигит экиш, ёзда ғўзани озиқлантириш ҳамда культивация қилишда фаол қатнашиб, кузда «зангори кема» билан тонна-тонна пахта териб келаётганингизни яхши биламан.

Мен ҳар йили районимиз ёки областимизнинг пешқадам механизаторларидан бири билан мусобақалашаман. Бултур Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг донгдор механизатори Абдусаттор Сулаймонов билан беллашган эдим. Бу йил Сиз билан мусобақалашишга қарор қилдим. Чақириғимни қабул қиларсиз деган умиддаман. Жавобингизни кутаман. Бизнинг пахтазордаги беллашувимиз ҳосил йиғим-терими суръатининг тезлашувига, план ва мажбуриятларнинг барвақт бажарилишига ёрдам берсин.

Фахриддин ЭГАМБЕРДИЕВ,
Оққўрғон районидаги «Лениннобод» колхозининг механизатори, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

МУСОБАҚАЛАШ — ҒАНИМ БЎЛСИН

Ҳурматли дўстим Фахриддин!

Пахтазорда беллашишга даъват этиб, менга йўллаган хатингиз билан танишиб чиқдим. Унга жавоб бераётирман. Чунки, ҳамкасб дўстимнинг чақириғини қабул этиш ва аҳдимни маълум қилишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Маълумки, кейинги йилларда колхозимизда ҳосилдорлик кескин ошди. Пахтанинг ялпи ҳосили кўпайди. Бултур 920 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38,2 центнердан ҳосил олдик. Ҳосилдорликда Сизлардан ўзиб кетдик, районда биринчи ўринни эгалладик. Машина теримида ҳам дуруст натижага эришдик. Машиналар билан 2800 тонна пахтани териб олдик.

Колхозимиз пахтакорлари ўнинчи беш йилликда янада юксакроқ маррани эгаллашни мўлжаллашмоқда. Улар 1980 йилга бориб ҳосилдорликни 50 центнерга етказишни кўзлашяпти. Бу йил эса КПСС XXV съезди қарорларига жавобан 1160 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42,5 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олишган эди. Ана шу яхши ният билан ерга барака уруғи қададик. Ғўзани меҳр билан парвариш қилдик. Унинг ҳар тупи серҳосил бўлиб ўсиши учун барча зарур чораларни кўрдик. Қатор ораларини майин қилиб юмшатдик. Талабига яраша озиқлантирдик.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток Леонид Ильич Брежневнинг Мирзачўл районидаги Абай номли совхознинг Расул Ҳайдаров бошлиқ бригадаси коллективига ёзган хати колхозимиз аъзоларининг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшди, янги муваффақиятларга эришиш учун курашга илҳомлантирди. Ўрток Брежневнинг мактубини муҳокама қилгач, колхозимиз пахтакорлари ҳосилдорликни 45 центнерга, мен ишлаётган Найим Абдуазизов бошлиқ бригада миришкорлари эса 50 центнерга етказишга қарор қилишди.

Лекин деҳқонлар даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб дейишади. Бунинг маъноси шуки, етиштирилган барча ҳосилни тез ва нобуд қилмай териб олиб, давлатга топшириш керак. Шундагина план ва мажбуриятни муваффақиятли бажариш мумкин. Шу мақсадда колхозимизда ҳосил йиғим-теримига, айниқса машина теримига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Колхозимизда 24 та терим агрегати, 60 та тележка бор. Улар сифатли ремонт қилинди. Барча терим машиналари икки сменада унумли ишлатилади. Буни ҳисобга олиб, механик-ҳайдовчилар сони 50 кишига етказилди. Хирмонлар, тош-тарози хўжалиги, йўл-кўприклар ремонт қилинди.

Механизаторларимиз бу йил етиштирилган ҳосилнинг 80 процентини, яъни 4150 тонна пахтани машиналарда териш мажбуриятини олишган. Мен 20 йилдан буён механизаторлик қиламан. Ҳар йили ёзда юзлаб гектар ердаги ғўзани парвариш қиламан. Кузда машинада пахта тераман. Бултурги кўрсаткичим 180 тоннани ташкил этди. Бу йил 200 тонна пахта териш ҳақида сўз берганман. Соли Раимжонов, Омон Муродов, Усмон Юсупов, Эшпўлат Абдураимов каби ҳамкасбларим ҳам 180—200 тоннадан пахта териш ҳақида сўз беришган.

Биз машина терими қанчалик фойда келтиришини яхши биламиз. У ҳосил йиғим-терими суръатини тезлаштириш ва муддатини қисқартириш билан бир қаторда, маҳсулотнинг таннархини арзонлаштиришда ҳам катта роль ўйнайди. Бу йил 4150 тонна пахтани машина билан териш ҳисобига 220 минг сўм иқтисод қилинади. Чунки, бу пахта қўлда терилганида теримчиларга 275 минг сўм ҳақ тўланарди. Уни машина билан теришга эса 52 минг сўм сарфланади.

Шундай қилиб, бу йил терим мавсумида Сиз билан мусобақалашиб ишлайман. Бундан Сиз ва мен ишлаётган хўжаликлар фақат фойда қилади. Негаки, мусобақа юксалиш, муваффақиятга эришиш гаровидир.

Тошпўлат ҚОСИМОВ.
Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз механизатори.

САНОАТ—76 ЙИЛ ТЕРИМ МАВСУМИГА

БУЮРТМА — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Янгийўлдаги «Нормаль» заводи Ўзбекистон ва Тожикистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарининг махсус буюртмасини муддатидан бир ой илгари бажариб берди. Қишлоққа планга қўшимча равишда техника етказиб бериш зарур бўлиб қолди.

«Нормаль» заводи коллективи турдош корхоналарнинг илтимосига бажонидил жавоб қайтарди. Прессловчи цехда автоматлар муддатидан илгари ўрнатилиб ўзлаштирилди, бу автоматлар ишлаб турганларига нисбатан тўртдан бир ҳисса унумлироқдир. Қўшимча туркумдаги болтларнинг ҳаммаси янги технология ишловидан ўтди: бу болтлар махсус зангламайдиган қоплама билан қопланган.

ҲАМ ТЕРИБ ОЛАДИ, ҲАМ ТОЗАЛАЙДИ

«Главсредазирсовхозстрой»га қарашли Гулистон ремонт-механика заводининг дарвозаларидан пахта терадиган машиналарнинг дастлабки тажриба намуналари чиқди. Улар кўплаб чиқарилаётган механик-терим машиналаридан иккита муҳим узеллари билан — пахтани пневматик териб оладиган узели ва хом ашёни тозаловчи узелининг чоғроқ эканлиги билан фарқ қилади.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари бу «тузатишларни» кўплаб чиқарилаётган пахта терадиган машиналарга киритдилар. Эксперимент ўтказиладиган бир қанча машиналар ўтган йил мавсумида дастлабки синовдан ўтказилди. Айрим узелларни такомиллаштириш учун механик-ҳайдовчиларнинг мулоҳазалари асос қилиб олинди. 1976 йил йиғим-терим мавсумидаёқ модернизация қилинган 75 та машина иштирок этади, бу машиналар ғоят турли иқлим шароитларида кенг ишлаб чиқариш синовидан ўтиши керак.

(ЎзТАГ мухбирлари).

ШОЛИ ЎРИМИ БОШЛАНДИ

Нукус районидаги «ВЛКСМ 50 йиллиги» совхозининг шоликорлари ҳосил ўрим-йиғимига киришдилар. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Алексей Кан бошлиқ бригада механизаторлари ғалла ўриш комбайнларини биринчи бўлиб далага чиқардилар. Шоли янчиш ҳаммани қувонтирмоқда. Ҳар гектар ердан 60 центнердан зиёд шоли олинмоқда. Ҳосилни 20 кунда йиғиштириб олиш мўлжалланмоқда.

Қорақалпоғистондаги бошқа шоликор хўжаликлар ҳам ўрим-йиғимга киришмоқдалар.

(ЎзТАГ).

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. Қарши районидаги «Ленинизм» совхозининг Зоир Эргашев бошлиқ маккажўхоричилик бригадаси аъзолари бу йил катта майдонларга экилган маккажўхорининг ҳар гектаридан 110 центнердан дон ва 600 центнердан кўк масса етиштиришга қарор қилишган. Улар социалистик мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштиришди. Шу кунларда хўжаликда маккажўхорини ўриш авжида. Суратда: шу бригадада халқ контроли аъзолари етиштирилган маккажўхори ҳосилини кўздан кечиришмоқда.

Н. Содиқов фотоси (ЎзТАГ).

ТошГРЭС: ЯНГИ МАРРАЛАР

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрток Л. И. Брежневнинг Ғарбий Сибирь нефтчиларига, Донецк шахтёрлари ва Москва энергетикларига йўллаган мактуби, бу мактубда уларнинг ёқилғи қазиб чиқаришни кўпайтириш ва электр ҳамда иссиқлик энергиясини тежаш соҳасидаги ватанпарварлик ташаббусига юксак баҳо берилганлиги КПСС XXV съезди номли Тошкент ГРЭСи коллективини ғоят илҳомлантириб юборди. Тошкент иссиқлик электр станцияси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг шу воқеага бағишланган митинги бўлиб ўтди.

— Биз Леонид Ильич Брежневнинг ташаббускорларга йўллаган мактубини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик, — деди биринчи қозон-турбина цехи энергетика блокларининг бош машинисти В. Загвоздич митингда сўзга чиқиб. — Бу мактуб бизни янада яхшироқ ишлашга илҳомлантирмоқда. Биз ғоят самарали ишлаш учун янги-янги резервларни ҳамиша қидириб топмоқдамиз. Цехимиз коллективи ўз имкониятларини чамалаб кўриб, қўшимча равишда 500 шартли тонна ёқилғини тежашга, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини янги муваффақиятлар билан нишонлаш учун астойдил меҳнат қилишга бел боғлади.

Митингда сўзлаган иссиқлик контроли ва автоматика цехининг электр слесари Ю. Лошкарев, иккинчи қозон-турбина цехининг бошлиғи В. Ёдгоров, электр цехининг электр монтёри Д. Қўйчимонов, марказлаштирилган ремонт цехининг слесари М. Султонов биринчи қозон-турбина цехининг коллективини қўллаб-қувватлаб чиқдилар. Улар станциядаги барча меҳнаткашларни Москва энергетикларининг ташаббусини қўллаб-қувватлашга, ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини ва сифатни оширишга даъват этдилар.

Митингда тўпланганлар 1976 йилги оширилган социалистик мажбуриятларни якдиллик билан қабул қилдилар. Масалан, энергетика асбоб-ускуналарини қиш шароитларида ишлашга муддатидан илгари тайёрлаб қўйишга, уларнинг тўхтовсиз ва тежамли ишлашини таъминлашга аҳд қилинди. Ускуналардан фойдаланиш техникавий даражасини ва маданиятини ошириш ҳисобига илгари олинган мажбуриятга қўшимча равишда ярим миллион киловатт-соат электр энергиясини тежаш мажбурияти олинди. Шунингдек, йил бошида планлаштирилганига нисбатан бир ярим баравар кўп, яъни уч минг тонна ёқилғи тежаб қолиш мўлжалланмоқда.

ТошГРЭС ходимлари энергетика ишлаб чиқаришининг самарадорлигини ва сифатини тобора ошириш учун қўшимча резервлар ва имкониятларни доимо қидиришга аҳд қилдилар. Улар оширилган мажбуриятларни шараф билан бажарамиз, деб ишонтирдилар.

(ЎзТАГ).

МЎЛ ҲОСИЛ ЙЎЛИДА

Учқўрғондаги «Партия XXIV съезди» колхозида Софияхон Каримова бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси пахтакорларнинг мусобақасида деҳқонларга намуна кўрсатмоқдалар. Бу ерда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳар гектарда 140 минг бўлиқ, бақувват ғўза тупи бор. Уларнинг ҳар бирида 8 ва ундан ҳам кўп етилган кўсак санаш мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, бригада 40 центнерлик ҳосил олади. Софияхон ўтган йили укаси Абдуманноп билан икки қаторли пахта териш машинасида 220 тонна оқ олтин териб берган эди. Улар бу йил тўрт қаторли агрегат бункеридан 350 тонна пахта тўкишга аҳд қилдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИГА САЙЛОВ

Тошкент область 94-Марказий сайлов округида Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Леонид Иванович **Греков** депутат қилиб сайланди.

Ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига сайлов ўтказилди.

ЛИВАНДАГИ ҚОН ТЎКИШ ТЎХТАТИЛСИН

Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтаётган митингларнинг қатнашчилари Ливандаги воқеалардан, реакциянинг Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракатига ва Ливан миллий-ватанпарварлик кучларига қарши янги хуружлар бошлаганлигидан ниҳоятда ташвишланаётганликларини изҳор қилмоқдалар.

Каноп фабрикаси коллективининг митингида сўзга чиққан мастер З. А. Камаева бундай деди:

— Бизга яхши маълумки, фаластинликлар билан Ливан ватанпарварларига қарши фитнанинг ташкилотчилари ва илҳомчилари империалистлардир. Улар ўзларининг Яқин Шарқдаги жиноий режаларини амалга ошириш учун Ливанни таянч пунктига айлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Биз аминмизки, Ливандаги можаро тинч, демократик йўл билан Ливаннинг территориал бутунлигини, мустақиллигини ва суверенитетини таъминлаш манфаатлари йўлида ливанликларнинг ўзлари томонидангина ҳал қилиниши мумкин. Биз фаластинликлар ва Ливан ватанпарварларига батамом хайрихоҳмиз. Биз уларнинг адолатли кураши билан бирдам эканлигимизни изҳор қиламиз.

Митингда сўзга чиққан калавалаш цехининг бошлиғи С. М. Маликов, калавалочи А. Г. Евдокимова шу ҳақда гапирдилар.

Каноп фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Исроилнинг ва унинг империалист ҳомийларининг Ливан ишларига жиноятқорона аралашаётганликларини қаттиқ қораладилар, жафокаш Ливан ерида қон тўкилишини дарҳол тўхтатишни талаб қилдилар.

(ЎзТАГ).

БИР БЕШ ЙИЛЛИКДА ИККИ БЕШ ЙИЛЛИКНИ БАЖАРАМИЗ

БРИГАДА 1977 ЙИЛ ҲИСОБИГА

ИЗДОШЛАР РАПОРТИ

Коллективимиз кичик бўлса-да, катта ишларга қодир. Ҳар бир аъзоси топширилган вазифага жон-жаҳди билан ёндашишга одатланиб қолган. Бир оила кишиларидек ҳамкорликда меҳнат қилишади, дам олишади. Шу йилнинг 18 июнь куни улуғвор беш йилликнинг биринчи йили планини ошириб бажардик. Она-Ватанга 222 минг метр сержило газлама тўқиб топширдик.

Қўлга киритаётган меҳнат зафарларимизда социалистик мусобақа асосий омил бўлмоқда. Бригадамиз корхонадаги илғор коллективлардан бири — В. Ломакин бошлиқ бригада тўқувчилари билан мусобақадош. Октябролди социалистик мусобақаси авж олаётган шу кунларда ҳар иккала коллектив ҳам корхонада пешқадамликни қўлдан бермаяпти. Сўнгги икки ой ичида 105,6 минг метр мато тўқиб, келгуси йилнинг май ойи планини ҳам ўринлатдик.

Корхонада иш вақтидан, материал ва хом ашёдан рационал фойдаланиш, самарадорлик ва тежамкорлик учун тинмай изланиш, ички резервларни излаб топиш, янги техника ва илғор технологияни дадиллик билан ишга солиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга айланган. Зероки, ютуқлар калити ҳам худди шулардадир. Буни яхши билган Раиса Ротькина, Комила Ҳусанова, Алима Сеитумерова, Валентина Андреева, Карима Нишонова каби бригадамиз машъаллари ҳар қачонгидан унумлироқ, сифатлироқ ишлашга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг баракали меҳнати билан бутун бригадамиз 1977 йил ҳисобига маҳсулот топширяпти.

Фазлиддин КАМОЛОВ,
Наманганцаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» шойи газламалар комбинати тўқувчиси.

МЎЛ-КЎЛ ДОН УЧУН

Республика областлари ва Қорақалпоғистон АССРда маккажўхорини донга ўриш ва маккажўхори дони тайёрлаш топшириғининг бажарилиши тўғрисида шу йил 1 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган дон; учинчи устун — мавсум бошидан бери; тўртинчи устун — бир кунда ўрилган майдон; бешинчи устун — мавсум бошидан бери.

Қашқадарё	1,3	118,3	0,1	84,8
Тошкент	0,1	101,9	2,0	73,0
Андижон	0,1	100,5	1,6	92,7
Сурхондарё	—	100,0	0,4	84,4
Сирдарё	7,9	94,8	3,3	68,9
Фарғона	2,4	77,1	1,9	57,8
Бухоро	1,7	72,7	2,0	68,2
Жиззах	6,1	61,9	3,3	53,8
Наманган	2,2	55,5	0,2	48,9
Хоразм	10,0	20,0	1,4	11,6
Самарқанд	4,7	19,8	1,8	18,3
ҚҚАССР	—	5,0	0,5	7,4
Республика бўйича:	3,0	71,3	1,7	55,2

БИР ЯРИМ МИЛЛИОН ТРАКТОР ТАЙЁР!

ВОЛГОГРАД. 31 августда Волгоград трактор заводининг йиғув корпусини «Бир ярим миллион трактор тайёр!» деган шиор безади. Мусобақа ғолиблари эрталаб корхонанинг бош конвейерида ишлашди. «Юбиляр» тракторни йиғиш уларга ишониб топширилди.

«1500000» рақамли трактор конвейердан чиқади, завод майдонида эса уни минг-минглаб кишилар сабрсизлик билан кутиб турибди. Бу ерда бўлиб ўтган митингда Волгоград ишлаб чиқариш трактор бирлашмасининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. А. Семенов ана шу тракторни КПСС XXV съездининг делегати, «Волго-Дон» совхозининг механизатори В. Я. Стенковойга тантанали суратда топширди.

Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга мактуб йўллаб, коллектив жонажон партиямиз XXV съезди қарорларини бажариш учун бутун куч-имкониятларини сафарбар этади, деб ишонтирдилар.

(ТАСС).

Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун курашмоқда. Корхонанинг илғор оператори А. Лезачева самарали меҳнат қилмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ЭНГ МУҲИМИ— МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИГА КЎМАКЛАШУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИДА

●

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИНГ муттасил ўсиши ҳозирги босқичда партия иқтисодий стратегиясининг туб проблемаси, беш йилликнинг асосий вазифаларини бажаришнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади. Партия ташкилотлари меҳнат самарадорлигини оширишнинг йўлларини муттасил излаб топмоқдалар, бу долзарб проблемани кенг жамоатчилик муҳокамасига қўймоқдалар. Меҳнат унумдорлигини ошириш масаласи партия комитетларининг пленумлари ва бюроларида, партия-хўжалик активи йиғилишларида бошланғич ташкилотларда, конференция ва семинарларда муҳокама этилмоқда.

Республикада меҳнат унумдорлигини янада ошириш вазифалари яқинда партия комитетлари ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгашларнинг актив йиғилишида махсус муҳокама этилди. Йиғилишда меҳнаткашлар коллективларида меҳнат унумдорлигини ошириш борасида амалга оширилган иш якунлари муҳокама этилиб, тегишли тавсияномалар ишлаб чиқилди. Йиғилишда республикада хўжалик-сиёсий ишларни юқори поғонага кўтаришда партия ва ҳукуматнинг бошқа муҳим ҳужжатлари қатори Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотларида меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарори катта сафарбар этувчилик ролини ўйнаганлиги қайд этилди. Қарорда фан-техника тараққиётини бошқаришни, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни бутун бошқарув фаолияти сифатини яхшилашни такомиллаштириш масалалари ўз ифодасини топган.

Амалга оширилган қатор ташкилий-техникавий тадбирлар туфайли республика саноатида ўтган беш йил мобайнида меҳнат унумдорлиги ўрта ҳисобда ҳар йили 4.7 процент ошиб борди. Ҳолбуки, саккизинчи беш йилликда бу кўрсаткич 3.1 процент, еттинчи беш йилликда эса 2.9 процентни ташкил қилган эди. Меҳнат самарадорлиги ўтган беш йилликда 139.3 процент кўтарилди. Меҳнат унумдорлиги ҳисобига саноат маҳсулотининг ўсиши йил сайин кўпаймоқда. Кўпчилик коллективлар ишчилар миқдорини оширмай туриб, ишлаб чиқаришнинг ўсишига эришмоқдалар.

Шу билан бирга, бу борадаги имкониятлардан тўла фойдаланилмаётганлигини ҳам таъкидлаш ўринлидир. Корхоналарнинг бир қисми меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғини бажармаётир, баъзилари эса бу кўрсаткични ўтган йилдагидан ҳатто пасайтириб юбордилар. Баъзи тармоқларда эса саноат маҳсулотининг ўсишига ходимлар сонини кўпайтириш орқали эришилмоқда.

Фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгашларнинг актив йиғилишида меҳнат самарадорлиги ва унумдорлигини оширишга тўсқинлик қилаётган камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳақида амалий ва принципиал гап юритилди.

Табиийки, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, аввало қўл меҳнатини механизациялаш учун барча зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор берилди.

Илғор технологияни жорий қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш, мавжуд технология ускуналарини модернизациялаш туфайли ўтган беш йил мобайнида Ўзбекистон саноатида салкам 30 минг ходимнинг меҳнати тежалди. Шу йилнинг ўтган саккиз ойи мобайнида ҳам яхши натижаларга эришилди.

Аммо ўнинчи беш йилликда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар олдида ҳали булар хамир учидан патир деса бўлади. Фан-техника тараққиёти меҳнат самарадорлигини оширишга яхши хизмат қилиши учун бу йўлдаги тўсиқларни бартараф этиш керак. Шу нарса сир эмаски, саноатнинг айрим корхоналарида, айниқса енгил, пахта тозалаш, машинасозлик саноати корхоналарида илғор технологияни жорий қилиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш топшириқлари бажарилмаётир. Ана шу корхоналарнинг кўп ишчилари қўл меҳнатидан ҳалос бўлмаган, айниқса ёрдамчи жараёнларда ишловчилар кўп. Олимлар бу борада ўз зиммаларидаги вазифаларни кўнгилдагидек бажармаётирлар.

Меҳнат унумдорлиги бевосита техниканинг аҳволига, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасига боғлиқ. Хўжалик раҳбарлари ва инженерлик хизмати ходимлари олдида турган энг муҳим вазифа шундан иборатки, улар ўзларига ишониб топширилган техниканинг ишлашини таъминлашлари, бекор туриб қолишига йўл қўймасликлари керак. «Навоиазот», Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси, Қўқондаги хромчарм заводи, Деновдаги ёғ-экстракция заводи ва шу каби баъзи корхоналарда техниканинг бекор туриб қолишига йўл қўйилдики, бунга тоқат қилиб бўлмайди.

Цехлар ўртасидаги номутаносиблик, янги ускуналарга яроқли бинолар топиб берилмаслиги, ишлаб чиқаришни уюштиришдаги нуқсонлар, бир меъёрда ишламаслик баъзи корхоналарнинг юқори унумли ишлашига имкон бермаётир. Уларнинг раҳбарлари заводнинг келажагига чуқурроқ қараб, корхонани янги техника билан жиҳозлаш ҳақида қайғуришлари, ишлаб турган ускуналарга яхши муносабатда бўлишлари, уларнинг ремонти графигига қатъий амал қилишлари лозим. Бутун гап шундаки, яратилган ишлаб чиқариш потенциалидан тўлиқ фойдаланилсин, реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш суръатлари жадаллаштирилсин, ишлаб чиқариш қувватлари тезроқ ўзлаштирилсин.

Республикада корхоналарнинг хўжалик фаолияти кўрсаткичларини сифат жиҳатидан яхшилаш юзасидан катта иш олиб борилмоқда. 106 бирлашма ва корхона стандартлаштириш негизида маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системасини ишлаб чиқиш ва жорий этишга киришди. Барча областларда таянч-консультация пунктлари тузилди, доимий ҳаракатдаги семинарлар ташкил этилди.

КПСС XXV съезди план ва хўжалик органларидан, олимлар ва мутахассислардан ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини ошириш ва маҳсулот сифатига, меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларига, асосий фондлардан тежамлироқ фойдаланишга, моддий ва молиявий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишга планнинг таъсирини кучайтиришнинг барча кўрсаткичларини изчиллик билан изланиш лозим. Халқ хўжалиги қиёфасини тубдан ўзгартириш, уни техника янгиликларига нисбатан қулай ҳолга келтириш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда планлаштириш чоғида ишлаб чиқаришнинг техника-иқтисодий даражаси ва маҳсулот сифатининг шундай асосий кўрсаткичлари жорий этилдики, улар ўз навбатида бошқариш фаолиятига, бутун иқтисодий ишга янада юксак талаблар қўяди.

Шу муносабат билан корхоналарга меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан илгари эришилганига нисбатан паст топшириқлар беришга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Ҳолбуки, енгил саноат, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, пахта тозалаш, сут-гўшт саноати министрликларига қарашли 30 завод ва фабрикада шундай фактлар содир бўлган. Планлаштиришдаги бундай нуқсонлар, асосий план кўрсаткичларининг фан-техника тараққиёти тадбирлари билан яхши боғланмаганлиги, планларнинг тез-тез ўзгартирилиши меҳнат унумдорлигини янада оширишга имкон бермайди, албатта.

Партия ташкилотлари, фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгашлар планлаштиришга шу тариқа ёндашишга қарши кескин чоралар кўришлари, планлаштириш иши ишлаб чиқаришни юксалтириш ва меҳнат самарадорлигини оширишга хизмат қилишга эришишлари керак. Капитал маблағларни тақсимлаганда аввало корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантиришга эътибор бериш керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XX пленуми қарорларида ҳам бу нарса алоҳида таъкидланган.

Самарқанддаги иккита янги заводнинг фаолиятини таҳлил этиш шуни кўрсатдики, холодильниклар заводида меҳнатни ташкил қилиш даражаси пастлиги оқибатида лифтсозлик заводидагига нисбатан ҳар юз ишчи ҳисобига прогул қилиш етти баравар кўп бўлган. Ишлаб чиқариш планлари ва меҳнат унумдорлиги топшириқлари бажарилмайди, кадрлар қўнимсизлиги кўп. Шундай корхоналар ҳам борки, уларда ҳар бир ходим ҳисобига иш вақтининг беҳуда сарфланиши йилига 3-5 киши-кунини ташкил этади.

Ҳали ҳам ишчиларнинг анчагина қисми бевосита корхоналарда тайёрланмоқда. Бундай ишчилар тайёрлаш сифати кўпинча яхши бўлмайди, уларнинг кўплари иш нормаларини бажармайдилар, маошлари кам бўлганидан ишдан бўшаб кетадилар. Масалан, енгил саноатда мингдан зиёд ишчи, маҳаллий саноатда эса салкам уч минг ишчи норма бажармайди. Баъзи янги корхоналарда эса норма бажармайдиган ишчилар 20-30 ва ундан кўпроқ процентни ташкил этмоқда.

Фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгаш активи йиғилишида юксак меҳнат унумдорлиги учун мусобақа жараёнида кўплаб қимматли ташаббус ва ҳаракатлар юзага келаётганлиги таъкидланди. Айниқса, меҳнат самарадорлигини ошириш ҳаракати кенгаймоқда. Бу ҳаракат машинасозлик корхоналарида, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва бошқа қатор корхоналарда кенг қулоч ёзди. Саноатдаги тўққиз юз коллектив муқобил планлар асосида ишлаяпти, нефть ва химия саноати корхоналаридан ўн биттаси шчекинликлар методини жорий қилишди, қурилиш ташкилотларида 900 дан зиёд бригада Злобин методи асосида ишлаб, юксак меҳнат унумдорлигига эришмоқдалар. Республиканинг 12 минг автомобилчиси машиналарнинг ремонт қилиш муддатини узайтириш учун мусобақалашмоқда.

Меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этиш ишини янги, юксак поғонага кўтариш лозим. Илғор тажрибани пухта ўрганиб, қатъият билан жорий этиш, юксак унумли меҳнат учун мусобақанинг янги-янги формаларини қидириб топиш, ҳар бир ходимда ижодий ташаббус кўрсатиб, фидокорлик билан ишлаш иштиёқини туғдириш лозим. Буларнинг ҳаммаси министрлик коллегияси ва аппарати, партия комитети ва унинг фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгашидан тортиб ҳар бир инженер-техник, ишчи ва хизматчигача юксак масъулиятни ҳис этиш вазияти туғилган жойда энг кўп фойда келтириши мумкин.

Фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи кенгашлар активи йиғилиши қабул қилган тавсияномалар меҳнат унумдорлигини янада ошириш, фан, техника, илғор тажриба ютуқларини тезроқ жорий этиш, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштиришга қаратилгандир.

Д. Ф. УСТИНОВ МАЛИ РЕСПУБЛИКАСИ МИНИСТРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов 31 август куни Мали Республикаси мудофаа, ички ишлар ва хавфсизлик министри подполковник Кисим Дукарни ва унинг ҳамроҳларини қабул қилди.

Ҳар икки томонни қизиқтирувчи масалалар юзасидан дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

Суҳбатда СССР мудофаа министрининг биринчи ўринбосари армия генерали С. Л. Соколов, бошқа расмий кишилар, шунингдек Мали Республикасининг СССРдаги элчиси Бубакар Кассе иштирок этдилар.

(ТАСС).

БАМ ҚУРИЛИШЛАРИ УЧУН

Байкал—Амур магистрали бунёдкорлари учун турли маҳсулотларни барвақт етказиб бериш мамлакатимиз саноатчиларининг фахрли бурчига айланиб қолган. Серқуёш Ўзбекистон саноат корхоналари ҳам ўзларининг интернационалистик бурчларини шараф билан оқламоқдалар. Улар БАМ қурилишлари учун турли-туман маҳсулотлар тайёрлашмоқда. Куни-кеча Чирчиқ ва Навоий шаҳри меҳнат аҳлидан хушхабар олинди.

«Замонавий трансформаторлар муддатидан бир ой олдин тайёрланиб, БАМга жўнатилди» — дейилади Чирчиқ трансформатор заводи коллективининг меҳнат рапортида.

Чирчиқликлар ишлаб чиқараётган трансформаторлар асримиз қурилишида насос қурилмалари ва электр экскаваторларини электр қуввати билан таъминлашда хизмат кўрсатади. Завод бундан олдин БАМ қурилиши адресига кичик станцияли 8 трансформатор жўнатган эди. 25 киловатт-ампер қувватга эга бўлган 50 га яқин «ТНЗ» трансформаторлари ҳам графикдан олдин тайёрланди. Яқин кунлар ичида ана шундай маҳсулотнинг яна бир туркуми қурилишга жўнатилади.

Навоий шаҳридаги ремонт-механика заводининг комсомоллари эса, Байкал—Амур магистрали қурувчиларига иккита «ДТ-75» маркали тракторни тайёрлаб беришди. Бу тракторлар ёшларнинг шанбаликда ишлаб топилган маблағлари ҳисобига тайёрланган.

Тракторга «Асримиз қурилиши — БАМ комсомолларига Навоий комсомолларидан» — сўзлари ёзилган. Социалистик мусобақа ғолиблари бўлган А. Харьянов ва В. Смирновлар ҳамкасблари тайёрлаган машина билан бирга БАМга йўл олишди. Улар бу ерда ўз меҳнат муваффақиятларини ҳикоя қилиб беришади.

ЯНГИЛИК КУРТАКЛАРИ

ҚИШЛОҚҚА—ЮКСАК ТУРМУШ МАДАНИЯТИ

Боғот районидаги Нариманов номли колхоз Хоразмдагина эмас, балки республикада, ҳатто Иттифоқда ҳам довруғ таратган. Пахтадан муттасил рекорд ҳосил етиштиришда, барча тармоқларни комплекс ривожлантиришда бу хўжалик илғор тажриба мактабига айланди. Айниқса хуторларни тугатиш ва колхоз қишлоғини шаҳар типида қайта қуриш, колхозчиларнинг турмуш маданиятини юксалтириш борасида узоқни кўзлаб олиб борилаётган ишлар ҳар тарафлама ибратлидир.

Қишлоқ турмуши маданиятини ошириш проблемаларига бағишланиб Тошкентда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясида Хоразм областидаги бу донгдор хўжаликнинг тажрибаси тилга олинганлиги бежиз эмас.

ПОЙДЕВОРДАН БОШЛАНАДИ

— Қурилиш соҳасида амалга оширилган катта ишлар кўриниб турибди. Қишлоғингиз қиёфаси ҳақиқатан ҳам чиройли шаҳарларни эслатади. Бизни қизиқтираётган нарса шуки, энг аввал ишни нимадан бошладингиз?

Колхоз правлениесининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар ака Дўсов саволга содда қилиб жавоб берди:

— Ҳа, катта йўлнинг боши, давоми ва манзиллари бўлади. Қурилишни эса биз пойдевордан бошлаганмиз.

Раис «пойдевор» сўзини алоҳида урғу билан айтди. Сўнгра у пойдевор деганида, хўжалик экономикасини, яъни иқтисодий замини кўзда тутаётганлигини уқтиради. Дарвоқе, қурмоқ учун аввал моддий базани яратиш, маблағ ва ресурсларга эга бўлиш керак. Нариманов номли колхоз иқтисодий жиҳатдан бақувват, қаёққа узатса қўли етадиган хўжалик. «Даромадга қараб буромад» деганларидек, жамоат хўжалиги равнақ топаётганлиги қишлоқда бунёдкорлик ишларини кенг миқёсда олиб бориш учун равон йўл очиб бермоқда.

Коллектив хўжалик экономикаси, тўққизинчи беш йилликнинг якунлари ҳақида баъзи рақамларни келтириб ўтамиз.

Колхоз 2652 гектар экин майдонига эга. Шундан 2000 гектар майдонда пахта етиштирилади. Тўққизинчи беш йилликда планда белгиланган 36 минг тонна ўрнига 44 минг тонна пахта тайёрланди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш планлари барча турлар бўйича ошириб бажарилди, ҳамма тармоқларнинг рентабеллиги таъминланди. Беш йил мобайнида хўжаликнинг умумий даромади 20 миллион сўм миқдорида бўлиши планлаштирилган эди, амалда 27,5 миллион сўм даромад олинди.

Колхозчиларнинг умумий йиғилиши, правление ва партия ташкилоти даромаднинг тасарруфи, маблағларни оқилона сарфлаш масаласига жиддий эътибор беришади. Хўжалик экономикасини мустаҳкамлаш, жамоат бойлигини кўпайтириш ҳақида ғамхўрлик қилишни ҳар бир колхозчи ўзининг биринчи даражали бурчи деб билади. Ўтган беш йил ичида бўлинмас фондга 3,2 миллион сўм ажратилганлиги, капитал қурилишга икки миллион сўм маблағ сарф қилинганлиги сўзимизнинг далили бўла олади. Шу давр ичида бир миллион сўмлик қурилиш техникаси сотиб олинди.

Колхозда капитал қурилишга ажратилган маблағдан тўғри ва тежамли фойдаланиш, энг зарур объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш таъминланмоқда. Пешқадам хўжаликнинг қурилишни ташкил этиш ва ободончилик ишларини олиб бориш соҳасида тўплаган бой тажрибалари оммалаштиришга арзирлик-дир.

ПЛАНЛИ КОМПЛЕКС

Аҳолиси ўн минг кишига етган, 1460 хўжалик истиқомат қиладиган бу колхозда илгари кичик аҳоли пунктлари ва хуторларнинг сони элликдан ошарди, якка уйлар ҳам кўп эди. Эндиликда бош план асосида битта марказий посёлка ва тўртта участка посёлкалари бунёд қилинган. Ҳозирга қадар 1100 хўжалик янги посёлкадаги шинам уйларга кўчиб чиқди. Яқин икки йил ичида хуторлар батамом тугатилади.

Тўққизинчи беш йилликнинг ўзида 460 хонадон обод посёлкаларда ҳовли тўйи ўтказди. Колхоз маблағи ҳисобига 20 хонадон учун қурилган қўшқаватли уйлар марказий посёлка кўркига кўрк қўшди.

Шу факт эътиборга сазоворки, қурилишда «Узгипрозем» лойиҳа институти ва бошқа лойиҳалаш муассасалари тайёрлаб берган типовой лойиҳа ва чертёжларга қатъий риоя қилинади.

Қурилиш ишлари кўлами жиҳатидан тўққизинчи беш йиллик салмоқли ўринни эгаллади. Бу давр ичида техника базаси, чорвачилик комплекси, иккита типовой боғча-ясли, ўрта мактаб бинолари қурилди. Умумий ўрта таълим тўла жорий қилинганлиги эътиборга олиниб, яна битта ўрта мактаб биноси қурилиши бошлаб юборилди. 550 ўқувчига мўлжалланган бу мактабнинг қурилишига 536 минг сўм маблағ ажратилган. 140 бола тарбияланадиган типовой боғча қурилиши давом эттирилмоқда.

Қурилишни комплекс олиб боришнинг афзаллиги шундаки, янги уйга кўчиб кирган колхозчи оиласи коммунал-маиший, маданий хизматдан баҳраманд бўлиши учун ўз вақтида тўла шароит яратилади. Электр, водопровод суви, канализация ва табиий газ тармоқларини ўтказиш турар-жой қурилишининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу комплекс посёлкада аҳолига хизмат кўрсатадиган барча шохобчаларни, йўл ва йўлкаларни барпо қилишни ҳам ўз ичига олади. Жамоат биноларини планлаштиришда ва қурилиш муддатини белгилашда аҳоли эҳтиёжи учун улардан қайси бири энг муҳим ва зарур эканлиги эътиборга олинади.

Қишлоқни қайта қуриш режалари колхозчилар билан бамаслаҳат белгиланиб, уларнинг актив иштирокида амалга оширилмоқда. Арзон ва сифатли қуриш, ҳар бир объектни ўз вақтида ишга тушириш — қишлоқ бунёдкорларининг шиоридир.

ЯНГИ КИШИЛАР, ЯНГИЧА МУНОСАБАТЛАР

— Қишлоқни қайта қуриш, катта бунёдкорлик ишларини амалга ошириш жараёнида янгича қиёфадаги кишилар камол топмоқда, одамлар ўртасида янгича муносабатлар юзага келмоқда. Бу янгиликлар коммунизм куртакларидир, — деди биз билан суҳбатда колхоз партия комитетининг секретари Нурулла Машарипов.

Дарҳақиқат, шундай. Коммунизм қурувчисига хос гўзал фазилатлар, даставвал, меҳнатга янгича муносабатда намоён бўлмоқда. Ишга яроқли бутун аҳоли жамоат меҳнатида фаол қатнашади, меҳнатни шон-шараф ва қаҳрамонлик иши деб билади.

Бригада бошлиғи, олтмиш центнерчилик ҳаракатининг байроқдори Зариф Қурбонов, пахтадан ҳар йили рекорд ҳосил етиштириб, довруғ қозонди, комплекс механизацияни жорий этишда ибрат кўрсатди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига мушарраф бўлди. Яқинда у яна бир ташаббусни бошлаб берди, пахта етиштириш бўйича ўнинчи беш йиллик планни тўрт йилда бажаришга аҳд қилди. Бу ташаббусга коммунист — агроном Рўзибой Худойназаров, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор Ҳанифа Бекжонова бошлиқ бригадалар биринчилар қатори қўшилдилар.

Колхозда ажойиб пахта усталари, машҳур соҳибкорлар, атоқли чорвадорлар ва бинокорлар, актив жамоатчилар озмунча эмас. Улар ишлаб чиқаришда ҳам, ўзаро муносабат, ахлоқ ва одобда, юксак маданиятни тарғиб қилишда ҳам намуна бўлмоқдалар.

Янги анъаналар ва урф-одатларни турмушга сингдиришда қишлоқ Совети раиси Бектурди Рўзибоев, касаба союз комитети раиси Болтабой Тангриберганов, комсомол комитети секретари Юсуфбой Қобулов, актив коммунистлар ва депутатлар, меҳнат ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари, пенсионерлар жонкуярлик қилишяпти. Меҳнат ва беш йиллик илғорларини, мусобақа ғолибларини шарафлаш, йигитларни Совет Армияси сафига тантанали кузатиш, кексаларни пенсияга узатиш, ҳовли тўйларини ва янгича никоҳ тўйларини ўтказиш анъанага айланган. Бундай тадбирлар учун маданият саройи, «Бахт уйи» ва клублар доим очиқ. Колхознинг «Қалдирғоч» ашула ва рақс ансамбли концерти, кинофильмлар тантаналарга қувноқлик бағишлайди.

ЮКСАЛИШ УФҚЛАРИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Нариманов номли колхоз аъзоларининг сиёсий ва меҳнат активлиги ҳар қачонгидан ошган. Улар ўнинчи беш йиллик довонларини эгаллаш учун енг шимариб ишга киришдилар. Беш йиллик планни тўрт йилда адо этиш, бу йил 9 минг тонна «оқ олтин» етиштириш, яъни ҳар гектар майдондан 45 центнердан хирмон кўтариш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш, хўжалик экономикасини янада мустаҳкамлаш — деҳқонлар ва чорвадорларнинг, қишлоқдаги бутун меҳнат аҳлининг қатъий аҳду паймонидир.

Социал-маданий равнақ йўлида олға томон янги қадамлар қўйиш, хуторларни батамом тугатиш ва шаҳар типида посёлкалар қурилишини охирига етказиш, қишлоқ аҳолисининг меҳнат ва турмуш шароитини шаҳардаги шароит даражасига яқинлаштириш ҳозирги вақтдаги реал вазифа сифатида олдинга сурилди. Мактабгача тарбия муассасалари тармоғи кенгайтирилади, маиший хизмат комбинати базасида янги ремонт устахоналари, модалар ательеси барпо қилинади, спорт иншоотлари қурилади. Ёшларнинг техникани эгаллаши, малакали қурувчи бўлиб етишиши учун ҳунар-техника таълимини жорий қилиш белгиланган муҳим тадбирлардан биридир.

Қурилишнинг индустриал базасини мустаҳкамлаш, асосий иш жараёнларини механизациялаш давом эттирилади, қурилиш техникаси сотиб олишга етарли маблағ ажратиш бу йилги ишлаб чиқариш планида кўзда тутилган.

Колхоз партия комитети ва правлениеси, жамоат ташкилотлари қишлоқни шаҳар типида қайта қуриш билан бир вақтда колхозчиларнинг турмуш маданиятини юксалтириш, коммунистик ахлоқ эгаларини тарбиялаш, янги маросимлар ва анъаналарни ҳаётга чуқур сингдириш йўлида катта ташкилотчилик ишларини олиб бораётирлар. Янги жамиятнинг нишоналари, умидбахш куртаклар етилиб, кўзга яққол ташланмоқда, қалбларга ифтихор бағишламоқда.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МОВИЙ ТРАССАДА

ЯНГИЕР. Жиззах насос станцияси қурилишида дастлабки ўн минг куб метр бетон ётқизилди. Сув тақсимлайдиган бош иншоотнинг тўртинчи босқичида арматураларни пайванд қилиш тугай деб қолди. Нодир қувур ариқ трассаси тобора дашт ичкарисига кириб бормоқда.

Айни маҳалда жанубий Мирзачўл каналининг ўзанини кенгайтириш ва чуқурлаштириш соҳасидаги ишлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Бу каналда илгаригига қараганда қарийб икки баравар сув кўп оқа бошлайди. Сув тўхтатилмаган ҳолда канал кенгайтирилмоқда ва чуқурлаштирилмоқда.

(ЎзТАГ).

Китоблар оламида

МАТБУОТ ВА КОММУНИСТИК ТАРБИЯ

Партиямизнинг янги кишичи — коммунизм қурувчисини тарбиялаш борасидаги бутун фаолиятида матбуот ҳақли равишда ўткир ва жанговар қурол вазифасини шараф билан бажармоқда.

Доцент Қ. Отамирзаевнинг «Ўзбекистон» нашриёти томонидан нашр этилган асари* худди шу актуал масалага бағишланган. Муаллиф узоқ йиллар давомида илмий иш олиб бориб, унинг ҳосиласи ўлароқ, республикамиз партия ташкилотининг матбуотга раҳбарликни кучайтириш, айниқса ривожланган социализм қурилиши даврида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда матбуотнинг ролини ошириш ва янада такомиллаштириш йўлида олиб борган ташкилотчилик ишларини умумлаштира олган.

Китобнинг «Партиянинг матбуотни ривожлантириш соҳасидаги ташкилотчилик ишлари» бобида республика матбуотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, китоб нашр этиш, матбуот тарқатиш ҳамда ишчи-деҳқон мухбирлари ҳаракатини, матбуотда жамоатчилик асосларини ривожлантириш масалалари атрофлича ёритилиб, фактлар билан исботланган.

Асарда таъкидланганидек, 1971 йилга келиб республикада йирик полиграфия базаси вужудга келтирилганлиги туфайли аҳолининг матбуот маҳсулотига бўлган талаби асосан қондирилди. Бунга кўп жиҳатдан қўл меҳнати ҳиссаси камайиб, юқори самарали технология жараёнлари жорий этилганлиги, газета-журнал ва китоб нашр этишдаги кўпгина мураккаб ва қийин цикллар автоматлаштирилганлиги катта ёрдам берди.

Республика партия ташкилотлари В. И. Лениннинг матбуотнинг аҳамияти тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, марксча-ленинча назарияни ва КПСС сиёсатини кенг пропаганда қилишни сифат жиҳатдан янада яхшиладилар. Бу даврга келиб В. И. Ленин асарлари IV нашрининг таржимаси ниҳоясига етказилди, V нашрининг 14-томи ўзбек тилида босмадан чиқди. Шу билан бирга, КПСС барча съездлари ва Пленумлари материаллари, партия ва давлатимиз арбобларининг танланган асарлари, мақола ва докладлари тўпламлари кўп нусхада нашр этилганлиги оммани назарий, ғоявий ва сиёсий жиҳатдан тарбиялашнинг муҳим дастури бўлди. Бинобарин, бу бобнинг характерли томони шундаки, унда КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг матбуотнинг моддий-техника базасини замон талаби даражасида ривожлантириш юзасидан қабул қилган қатор тарихий қарорлари қандай бажарилганлиги, шу жараёнда юзага келган илғор тажрибалар илмий жиҳатдан тўғри таҳлил қилинган. Бу ўринда китоб муаллифи республика матбуотининг етук масалаларига бағишланган кўпгина асарларга мурожаат қилиши ўринлидир.

Асарнинг мақбул томони шундаки, унда катта моддий-техника базасига эга бўлган Ўзбекистон матбуотининг меҳнаткашлар коммунистик дунёқарашини шакллантиришдаги, уларни меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида, совет ватанпарварлиги ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялашдаги роли алоҳида-алоҳида бобларда, тарихий ва хронологик изчилликда очиб берилган. Бир-бирини мантиқан тўлдирадиган ва бойитадиган бу бобларда ижтимоий-сиёсий адабиётларнинг нашри, уларнинг ғоявий тарбия ишларидаги роли, матбуотнинг маданиятни ривожлантириш ва оммани коммунистик аҳлоқ, совет ватанпарварлиги ва интернационализм руҳида тарбиялашдаги аҳамияти матбуот саҳифаларидаги материалларнинг характери, актуаллиги, конкретлилигига монанд равишда очиб берилган. Республика матбуотининг СССРда яшовчи барча халқларнинг ўзаро маданий алоқаларини мустаҳкамлаш ва социалистик интернационализмни янада ривожлантиришдаги хизмати тўғри талқин этилган.

Умумсовет матбуоти сингари Ўзбекистон матбуоти ҳам халқимиз улуғ яратувчилик ишларининг оташин жарчиси, катта-катта бунёдкорликларга буюк даъваткор кучдир. Шу боисдан ҳам унинг ҳаётимиздаги муҳим воқеалар, тарихий саналарни нишонлаш борасида орттирган тажрибаси илмий тарзда ўрганиш ва умумлаштиришга ҳар жиҳатдан лойиқдир. Бинобарин, асар муаллифи республика, область, шаҳар газеталарининг ана шундай диққатга сазовор ишларини чуқур таҳлил қилганлигини алоҳида таъкидламоқ зарур. Айни вақтда бу илмий таҳлил хулосалари матбуотимизнинг истиқболдаги тараққиёти учун зарур тавсиялар билан мустаҳкамланса, янада яхшироқ бўлур эди. Шуни айтиш кераки, дастлаб қараганда асарда факт ва рақамлар жуда кўп берилгандек кўринади. Лекин улар умумий фикрни очиш ва тўлдиришга бўйсундирилган.

Китоб тарихчилар, пропагандистлар, агитаторлар, студентлар ҳамда матбуот масалалари билан шуғулланувчилар учун яхши дастурдир.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
М. ЖАЛОЛОВ.

---

*) Қ. Отамирзаев. «Матбуот ва коммунистик тарбия» (рус тилида) «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1975 йил.

КУЗГИ ҒАЛЛА ЭКИШНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗАЙЛИК

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларида мамлакатимизда дон етиштиришни кўпайтириш бош вазифа қилиб қўйилди, республикамизда ҳам ғаллачиликни ривожлантириш муҳим вазифалардан биридир. Шуниси қувончлики, мамлакатимизда ҳам, республикамизда ҳам кейинги йилларда ғаллачилик ихтисослаштириш ва интенсивлаштириш асосида ривожлантирилмоқда, майдонларни кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш йўли билан ялпи ҳосил кўпайтирилмоқда. Химизация ва комплекс механизация ғаллачиликнинг таркибий қисмига айланди ва кўп, арзон, юқори сорт маҳсулотлар тайёрлашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Республикамизда пахтачилик билан бир қаторда ғаллачиликнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети дон тайёрлашни кўпайтириш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, чорвачиликнинг концентратга бўлган ва тобора ўсиб бораётган талабларини тўлароқ қондиришга қаратилган улкан тадбирларни амалга оширмоқда.

Шу йилнинг ўзидагина республикамиз бўйича бошоқли экинлардан 820 минг тоннага яқин дон тайёрланиб, шундан 506 минг тоннаси давлатга топширилди. Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах ва Сирдарё областларида дон тайёрлашда мисли кўрилмаган ғалабаларга эришилди, пойтахт Тошкент областининг ғаллакорлари ҳам катта зафар қучдилар.

Ғаллаорол районидаги 1-«Ғаллаорол» совхози коллективи 21 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўртача 11 центнердан хирмон кўтарди. Термиз районидаги «Қизил юлдуз», Избоскандаги «СССР 50 йиллиги», Кувадаги «Коммунизм», Тошлоқ районидаги «Оқ олтин» колхозлари, Чироқчи, Зомин, Оҳангарон, Қамаши, Нишон районлари, Қашқадарё областидаги Охунбобоев номли, Карл Маркс номли совхозлар ва бошқа ўнлаб илғор хўжаликларнинг ғаллакорлари ҳам давлатга бир ярим-икки йиллик, кўпчиликлари эса ҳатто уч йиллик план миқдорида дон топшириб, севимли касбларини шарафладилар.

Бундай муваффақиятнинг сири нимада? Ғаллакорларимиз ерни уруғ қадашга яхши тайёрладилар, сараланган, навли, районлаштирилган, касалликларга бардошкор уруғни энг яхши агротехника муддатларида экдилар, экинлар парваришини бутун чоралар билан кучайтирдилар, ўғитлар, ёмғир сувлари, тупроқнинг табиий намидан оқилона фойдаландилар, зараркунандаларга қарши қаттиқ курашдилар, ўрим-йиғимни ташкилий жиҳатдан уюшқоқлик билан ўтказдилар. Ғаллакор кадрлар малакасининг оширилиши, дала ишларининг комплекс механизациялаштирилиши ҳам республикамиз ғаллачилигини ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Республикамизда ҳар йили 800-900 минг гектар майдонга ғалла сепилади. Шундан 600-650 минг гектарига кузда дон экилса, қолган қисмига баҳорда экилади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кузда экилган ғалланинг ҳар гектаридан баҳорда экилганига нисбатан 2-3 марта юқори ҳосил олинади. Арпа буғдойга нисбатан совуққа чидамсиз бўлади. Кузда сепилган арпа ниҳоли қишки совуқлар таъсирида сийрак бўлиб қолади. Арпа ўсимлигининг ўсиш, ривожланиш даври қисқа бўлганлиги учун асосан баҳорда экиш тавсия этилади. Лекин кўп йиллик деҳқончилик тажрибаси шуни кўрсатдики, ғалладан юқори ҳосил олиб, катта хирмон кўтараман деган деҳқонлар буғдойни юз процент кузда эксин, шароит тўғри келган жойларда арпани ҳам дадил сепавериш керак.

Кузда буғдой ёки арпа экишнинг афзалликлари нимада? Сараланган уруғлик дон сифатли шудгорланган, қуёш нуридан етарли иссиқлик тўпланган, ҳашаротлар қириб ташланган, майин тупроқли ерларга экилади. Натижада табиий намга бехато униб чиқади, ёш майсалар иссиқлик, ёруғлик таъсирида ўзини тутиб олади, об-ҳаво ва иқлим шароитига аста-секин кўникиб бориб, қишловга киради. Кузги ва қишки ёғингарчиликлар туфайли илдиз системаси тупроқ қатламига мукаммал жойлашиб олади, эрта баҳордан тез ўсиб, ривожлана бошлайди. Чинакам ғаллакор деҳқон бўлсанг, бошоқли экинлар уруғини асосан кузда ерга қада, деган гап шундан келиб чиққан.

Ғаллачиликни ривожлантириш соҳасида бу йил эришилган муваффақият тажрибамизни янада бойитди. Гап шундаки, келаси йили катта хирмон кўтариш учун ҳозирдан пухта тараддуд кўриш керак. Бунинг учун нималар қилиш даркор?

Кузги ғалла экиладиган майдонларни тезкорлик билан шудгорлаш лозим. Кўпчилик хўжаликларда ғалла йиғиштириб олиниши билан ерлар пешма-пеш шудгорланиб, жуда тўғри иш қилинди. Лекин ери шудгорланмаган хўжаликлар ҳам оз эмас. Шунинг учун ғаллазорларни, кузги ёки баҳорги дон экилишидан қатъий назар, дарҳол шудгорлаш керак, бунинг учун етарли миқдорда ер ҳайдаш тракторлари ва бошқа механизмларга эгамиз. Ҳайдов чуқурлиги 20-22 сантиметрдан кам бўлмасин. Тоғ бағри зоналарида сув эрозиясига қарши ерни кўндалангига ҳайдаш маъқулдир.

Бироқ республикамизнинг Фарғона, Сурхондарё областларида ғаллазорларни шудгорлаш кечиктириб юборилянти, кузги ғалла экиш фурсати эса эшик қоқяпти. Ғаллачиликка ихтисослаштирилган кўпчилик районларда ҳам шундай аҳвол юз беряпти. Партия, совет ташкилотлари, хўжаликларнинг раҳбарлари аҳволни тузатиш чораларини кўришлари керак. Чунки халқимизда «эрта эккан хирмон қилур, кечга қолган армон қилур» деган мақол бор.

Кўп йиллик тажриба шуни исботладики, Юқори Чирчиқ, Бўстонлиқ, Бахмал, Фориш, Зомин, Чироқчи, Китоб, Деҳқонобод каби районларнинг шароити сентябрь ойининг охири, октябрь ойининг бошларида кузги ғалла экилганда ҳосилдорлик юқори бўлишини кўрсатди. Бу йил ҳам шунга амал қилиш керак. Тоғ бағри ва адирлик зоналарда кузги ғаллани октябрь ойининг иккинчи ярмида экиш тавсия қилинади. Қишда тупроқ қатламида 20 сантиметргача нам бўлган жойларда кузги ғалла яхши ўсади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, кузги ғалладан баҳорги ғаллага нисбатан икки-уч марта юқори ҳосил олинади. Тупроқ қатламида нам кам бўладиган Қашқадарё, Сурхондарё областларида айниқса ғалла кузда экилиши лозим. Шундай қилинганда ўсимлик ёғингарчиликлардан яхши баҳраманд бўлади, дуркун ўсади. Қиш совуқ келсада нам кўп тўпланадиган Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент областларида ҳамма майдонларга кузги ғалла экиш мўл ҳосилга пухта замин яратишдир.

Кузги ва баҳорги ғалла экишда навни тўғри танлаш катта аҳамиятга эгадир. «Безостая-1», «Аврора», «Кавказ» каби буғдой навлари кузда экилганда айниқса катта хирмон кўтарилади. Уруғни экишдан олдин мутахассисларнинг маслаҳати бўйича дорилаш керак. Шунда уруғнинг сифати бузилмайди, қоракуя тушмайди. Дорилаш машиналар воситасида марказлаштирилган тартибда ўтказилиши лозим.

Кўпчилик хўжаликлар суғориладиган ерларга бошоқли экинларни бедага аралаштириб экиб, гектаридан 42 центнергача арпа, 55 центнергача буғдой хирмони кўтармоқда. Бу усулни бутун чоралар билан кенгайтиришимиз керак. Лалмикор ерларда кузги ғалла экишни кучайтириш йўли билан дон тайёрлашни кўпайтириш ғаллакорларимизнинг шарафли ишидир. Бунинг учун ер ҳайдаш тракторлари, механизм-агрегатлар мавсумга сифатли шайлаб қўйилиши, тўхтовсиз икки сменада ишлатилиши керак. Ҳар бир экиш комбайнига кунлик оширилган графиклар берилиб, унинг ижроси мунтазам текшириб борилиши, комбайнчиларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма шароитлар яратиб берилиши лозим.

Кузги ғалла экишда мутахассислар доимо иш бошида бўлишлари, уруғнинг сифатини текшириб, ҳар гектар ерга шароитни ҳисобга олиб қанча уруғлик дон сарфланишини белгилаб беришлари керак. Уруғ бегона ўтлар уруғидан бутунлай халос бўлмоғи лозим. Шу кунларда Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигининг корхоналари сараланган, навли уруғларни тайёрлаб бериши керак. Кузги ғалла экишдан олдин ғаллазорлар имконияти борича ўғитлар билан ўғитланиши, баҳорги ёмғир сувларида қондириб суғорилиши лозим. Пуч бегона ўтлар уруғи билан ифлосланган, синикмертик, униб чиқиш қобилиятини йўқотган уруғни экиш тавсия қилинмайди. Мутахассислар экишдан олдин уруғ сифатини албатта кўздан кечиришлари шарт.

Кузги ғалла экишда механизатор-комбайнчилар мусобақасини бутун чоралар билан кучайтириш керак. Ғалла ўрими муваққат иш бўлганидай, кузги ғалла экиш ҳам вақтли ишдир. Фурсатдан ютган, экиш-тикиш ишларини уюшқоқлик билан ўтказган ғаллакорлар келаси йилдаги катта дон хирмонига мустаҳкам замин яратади. Ғаллакорлар орасида кузги ғалла экишнинг афзалликлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориш талаб этилади. Кузги ғалла экиш илғорлари меҳнатларига яраша рағбатлантирилиши, ўз бурчини виждонан адо этмаётган кишилардан масъулият талаб қилиниши керак. Шуни унутмаслик керакки, кузги ғалла экишни партия ташкилотлари раҳбарлигида қисқа фурсатда, тез ва соз ўтказиш бутун жамоатчилик, ҳаммамиз ва ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

Маслаҳатлар Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг материаллари асосида тайёрланди.

ИЛҒОР МАККАЖЎХОРИКОРЛАРНИ ШАРАФЛАЙМИЗ

Ҳурмат тахтаси

Маккажўхори дони тайёрлаш юзасидан белгиланган топшириқни муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилдилар:

НИШОН РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ҳушназаров**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Каримов**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Раҳимов**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори ўртоқ **Турсунов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Эшонқулов**);

УЛЬЯНОВ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ражабов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Турсунов**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Сиддиқов**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори ўртоқ **Жўраев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Қурбонов**);

ЧИРОҚЧИ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Тиллаев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Тойлоқов**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Умаров**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори ўртоқ **Мирзаев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Маҳмудов**);

ШАҲРИСАБЗ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ҳикматов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Муҳаммадиев**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Эшбобоев**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори ўртоқ **Аброров**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Узоқов**);

ЯККАБОҒ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Исмоилов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Боқиев**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Раҳмонов**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори ўртоқ **Раҳимов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Сатторов**);

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Ҳатамов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ғоймбов**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Усмонов**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича бош давлат инспектори ўртоқ **Лян**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Маҳмудов**).

ОҲАНГАРОН РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Аъзамов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қосимов**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Пак**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ **Абдураззоқов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Қодиралиев**);

БЕКОБОД РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Мақсумов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қодиров**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Чулаков**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ **Умаралиев**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Тожибоева**);

БЎКА РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Исломов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Қодиров**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Содиқов**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ **Пайшанов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Султонов**);

КАЛИНИН РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Қамбаров**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Тошхўжаев**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Ҳайдаров**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ **Халилов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Жалилова**);

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Саидхўжаев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Шек**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Баҳодиров**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ **Раимқулов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Турғунбоев**);

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Пўлатов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Тўхтаев**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Раҳматиллаев**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ **Пахомов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Йўлдошев**);

ПИСКЕНТ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Воҳидов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ҳалилов**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Парпибоев**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ **Рўзиқулов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Носиров**);

УРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Эгамбердиев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Шосолиҳов**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Мирёқубов**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ **Пак**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Икромов**);

ТОШКЕНТ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Толипов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Турсуметов**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Усмонова**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ **Иноғомов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Лутфуллаев**);

ЧИНОЗ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Мамедов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Бузруков**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Бойназаров**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ **Фозилов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Умаров**);

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Алимов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ортиқхўжаев**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Еремеев**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ **Тарасенко**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Абдуллаев**);

АНДИЖОН РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Исмоилов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Максимов**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Иноқов**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ **Каримов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Султонов**);

БАЛИҚЧИ РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Маликов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Рашидов**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Сарибоев**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ **Асқаров**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Абдураҳмонова**);

ИЗБОСКАН РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Саримсоқов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Мамажонов**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Иброҳимов**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ **Муҳиддинов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Шокирова**);

ҚЎРҒОНТЕПА РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Зайниддинов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Абдураззоқов**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Алимбоев**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ **Бурхонов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Ашурова**);

КОМСОМОЛОБОД РАЙОНИ (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Топволдиев**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Мўминов**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Абдураҳмонов**, район қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ **Беккулов**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Акбаров**);

ПЛАНЕТАМИЗДА

КАСАБА СОЮЗ ҲАРАКАТИНИНГ БИРЛИГИ УЧУН

ЛИССАБОН. (ТАСС). Бир неча ойдан бери Португалиядаги муайян сиёсий кучлар, жумладан, социалистик партия ва бир қанча касаба союз федерациялари касаба союзларининг бирлиги тўғрисидаги мавжуд қонуннинг бекор қилинишига эришишга уринмоқдалар. Улар Португалия меҳнаткашларининг ягона касаба союз маркази — ҳозирги вақтда португал ишчи ва хизматчиларининг 80 процентини ўз сафларида бирлаштириб турган Интерсиндикалнинг ваколатли характерини шубҳа остига қўйишга интилмоқдалар.

Унг буржуа матбуоти мамлакатдаги ягона касаба союз ҳаракатини парчалаш йўлидаги уринишларни рағбатлантиришга ҳар томонлама интилаётган кенг кампанияни авж олдириб юборди.

«Ҳамма касаба союзларининг бирлигини мустаҳкамлаб, ички касаба союз демократияси принципини ҳимоя қилиш йўли билангина келгусидаги шиддатли синфий жангларга муваффақиятли равишда ҳозирлик кўриш мумкин», деб уқтиради «Диариу» газетаси. Газета Интерсиндикалнинг барча меҳнаткашларга, ҳамма касаба союз ташкилотларига ва уларнинг раҳбарларига мурожаат қилиб, синфий душманнинг хатти-ҳаракатларига нисбатан доимо хушёр бўлиб туришга чақирганлигини эслатиб ўтмоқда.

Франция тарихида биринчи марта суд системасининг ходимлари намойиш ўтказдилар. Улар илғор ғояларга қарши таъқибнинг тугатилишини талаб қилишди. Суратда: юристлар Париждаги ҳуқуқ саройи олдида ўз талабларини ўқиб беришмоқда.

Кестон — ТАСС фотоси.

ГРЕЦИЯДА НАШР ЭТИЛАДИ

Яқинда Москвада авторлик ҳуқуқлари бўйича Бутуниттифоқ агентлик (ВААП) билан Афинанинг «Янникос» нашриёти ўртасида Грецияда Катта Совет Энциклопедияси — БСЭнинг грек тилида нашр этиш бўйича шартнома имзоланди.

— «Янникос» нашриёти билан тузилган шартнома, — дейди АПН мухбирига ВААП раисининг ўринбосари В. Ситников, — бизнинг фаолиятимизда катта воқеадир. Гап чет элда Катта Совет Энциклопедиясининг 30 томини чиқариш ҳақида бормоқда. Бунинг ўзи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар яхшиланиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Грецияда БСЭнинг нашр этилиши Хельсинкида бўлиб ўтган Умумевропа кенгашининг Якунловчи актида таъкидланганидек, мамлакатлар ўртасида маданий бойликларни алмашишни янада кенгайтириш ва шу йўл билан халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича моддаларнинг бажарилишига бўлган интилишни равшан кўрсатиб турибди. Шубҳасиз, энциклопедиянинг грек тилида нашр этилиши СССР ва Греция халқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ишида муносиб ҳисса бўлади.

САҲРОГА ҲУЖУМ

РАБОТ, (ТАСС мухбири). Марокашда дашт ва бўз ерларни ўзлаштириш программаси амалга оширилмоқда. Бу программа 1990 йилга бориб 1 миллион гектар ер суғорилишини кўзда тутади.

Атлас ва Риф тоғли районлардан бошланиб Атлантика океани ва Ўрта денгизга қуюлувчи кичик дарёларда тўғонлар қуриш программага асос қилиб қўйилган. Илгари чет протекторати даврида шу дарёларнинг сув ресурсларидан қарийб фойдаланилмас эди. Қишки ёмғирлар ва кўкламда тоғлардаги қор эриши чоғида шу дарёлар жўшқин оқимларга айланиб, йўлларни, коммуникация линияларини, экин-тикинларни, деҳқон қишлоқларини ювиб кетарди. Марокашнинг асосий деҳқончилик райони — ғарб водийси тошқиндан айниқса зарар кўрарди.

Мамлакат мустақилликка эришгач ва айниқса кейинги йиллар Зиз, Дра ва бошқа дарёларда бир неча тўғон ва электр станцияси қурилди. Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техникавий ёрдами билан қурилган Мансур Эддаҳби тўғони шулар жумласидандир. Тўғонлар қуриш натижасида деҳқончиликка яроқли майдонлар анча кўпайишидан ташқари мамлакат саноати қўшимча электр энергияси ҳам олди.

И. БЕРЕЗНИКОВСКИЙ.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● СОФИЯ.

Бургас шаҳрида ўн иккинчи халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтди. Европа, Америка ва Осиёдаги 18 мамлакатдан келган 23 ҳаваскорлик коллективи халқ ижодиёти бойликларини олти кун мобайнида намойиш қилди. Берилган 40 дан ошиқ концертда сал кам 70 минг томошабин бўлди.

● ВАШИНГТОН.

Америка матбуотининг хабардор манбаларига кўра Пентагон вакиллари билан Исроил ҳарбий ҳаво кучларининг қўмондони генерал-майор Б. Пелед ўртасида яқинда олиб борилган махфий музокаралар чоғида Исроилга 400 тагача «Ф-16» қирувчи самолёт юбориш тўғрисида келишиб олинган.

● НЬЮ-ЙОРК.

Американинг Вашингтон штатида ядро ёқилғисини қайта ишлайдиган завод цехларидан бирида портлаш рўй берди. Бир ишчи оғир жароҳатланди, бошқа ўн ишчи радиация таъсирига дучор бўлди.

● ТРИПОЛИ.

Ливия Араб Республикаси революцион қўмондонлиги кенгашининг таклифига биноан СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Вадер бошчилигидаги Совет давлат делегацияси бу ерга келди. Совет делегацияси Ливия Араб Республикаси революцияси кунининг етти йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тантаналарда қатнашади.

● МАНИЛА.

Филиппиннинг Минданао оролидаги Котабато шаҳрини 9 балли шкала бўйича беш балл кучдаги силкиниш яна ларзага келтирди. Бу ерда 17 август куни рўй берган қаттиқ зилзилада 8 минг киши нобуд бўлганди. Расмий маълумотларнинг хабарларига кўра, бу сафар кишилар қурбон бўлгани йўқ. Шаҳарда илгари шикастланган биноларнинг тик қолган жойлари қулаб тушди.

(ТАСС).

ЛИВИЯ: МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ЕТТИ ЙИЛЛИГИ

50-йилларда чиққан география справочникларида Ливия «қолоқ аграр-чорвачилик мамлакати» деб аталар эди. Дарҳақиқат ўша пайтларда бу мамлакатнинг аҳволи аянчли эди — бадавий кўчманчилар кезиб юрган кўримсиз саҳро, жазирама қумлоқлар ва тошлоқлар орасида онда-сонда воҳалар учраб қолар эди. Бирон-бир тарзда ривожланган саноат йўқ эди, аҳоли мутлақо саводсиз, мамлакатнинг қашшоқ аҳолиси тақдирига бепарво феодал бойваччалар ўзаро жанжал билан овора эди. Мустамлакачиликдан ана шундай разил сарқит қолган эди. Ливия чинакам мустақилликка эришган пайтда, БМТ маълумотларига қараганда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган йиллик даромад 18 фунтга ҳам етмайдиган дунёдаги энг қолоқ давлатлар қаторида турар эди. Чамаси йигирма йил муқаддам бу ерда нефть топилмаганида, эҳтимолки, мамлакат яна узоқ вақтгача шундай аҳволда қолаверар эди.

Ажнабий капиталнинг тез оқиб келиши туфайли 60-йилларда мамлакатдаги нефть чиқариш саноатининг йиллик ўсиш суръати 30 процентга етди. Ўн йиллик охирига бориб Ливия шу соҳада дунёдаги олдинги ўринлардан бирига чиқиб олди.

Нефть қазиб олишнинг тез ривожланиб бориши ва нефть сотишдан катта даромад келиши мамлакатнинг молиявий аҳволини ва тўлов балансини анча яхшилади. Аммо, аҳоли кўпчилик қисмининг турмуш шароитлари деярли ўзгармади. Бунинг устига нефть чиқаришнинг тез ривожланиши Ливия экономикаси учун анчагина салбий оқибатлар ҳам келтириб чиқарди. Нефтдан катта фойда олиниши бюджетга зарар етказмаган ҳолда чет мамлакатлардан озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олишни кўпайтириш ва айни вақтда илгаридан экспорт қилиб келинган хом тери, чарм, ерғоқ ҳамда чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларининг бошқа турларини чет элларга чиқаришни қисқартириш имконини берди. Бу эса мамлакатнинг ўз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши базасини путурдан кетказиб, қишлоқ аҳолисининг кўплаб шаҳарларга кўчишига сабаб бўлди. Натижада шаҳарларда уй-жой танқис бўлиб қолди, ишсизлар кўпайди, пулнинг қадрсизланиши кучайди. Шу ҳолат, шунингдек Ливия территориясида Америка ва Англия ҳарбий базаларининг жойлаштирилганлиги, король Идриснинг халқ манфаатларига зид бўлган ва империализм манфаатларини ошкора кўзлайдиган сиёсати кенг омманинг норозилигини кучайтирди, илғор кайфиятдаги ливияликлар король режимини қаттиқ танқид қила бошладилар. Ана шундай шароитда, бундан етти йил муқаддам, 1969 йил 1 сентябрь куни М. Каддафий бошчилигидаги бир гуруҳ ёш офицерлар королни ағдариб ташладилар, Ливия республика деб эълон қилинди.

Шундан кейинги етти йил мамлакатнинг социал-иқтисодий турмушида туб ўзгартишлар қилинган йиллар бўлди. Давлат табиий бойликларни, шунингдек бир қанча ажнабий компания ва банкларнинг мулкини национализация қилди, қолганларининг фаолияти устидан қаттиқ назорат ўрнатди, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш йўлида муҳим тадбирларни кўрди.

Ливия Араб Республикаси уч йиллик ривожланиш планини (1973—1975 йиллар) бажариш давомида кўпгина муваффақиятларга эришди. Мамлакатда ўнлаб миллий саноат корхоналари қурилди, давлат секторининг улуши кескин ортди. Ҳозир жами ишлаб чиқариш ҳажмининг тўртдан уч қисми давлат сектори ҳиссасига тўғри келади. Қишлоқ хўжалигидаги аҳвол яхшилик сари ўзгарди. Уй-жой қурилиши, медицина хизмати, маориф соҳасида муҳим ижобий ўзгаришлар рўй берди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад ҳар йили икки баравар кўпайиб борди, бу эса Ливия меҳнаткашларининг турмуш шароитларини яхшилади.

1976 йилдан бошланган янги беш йиллик планда Ливия Араб Республикаси олдига янада каттароқ вазифалар қўйилган. Шу план директиваларида кўзда тутилган давлат иқтисодий сиёсатининг бош йўналиши: «нефтдан олинадиган даромадлардан фойдаланиб, мамлакатнинг нефтга қарамлигини тугатишга эришиш»дан иборат, деб таърифланган.

Келгуси беш йилликда мамлакатда оғир ва машинасозлик саноатининг 30 га яқин корхонасини (шу жумладан, Шимолий Африкадаги энг катта — йилига 5 миллион тонна чўян ва пўлат ишлаб чиқарадиган Минсурат металлургия комбинатини) қуриш, нефть химияси саноатининг базасини мустаҳкамлаш, Ливиянинг озиқ-овқат билан ўзини тўла таъминлашига эришиши учун қишлоқда «деҳқончилик революцияси»ни амалга оширишни давом эттириш мўлжалланган. Ҳукумат саводсизликни батамом тугатиш масалаларига, миллий кадрлар тайёрлашга, халқ фаровонлигини янада оширишга ҳам катта эътибор бераверади.

Республика ҳукумати мамлакатда жойлашган ажнабий базаларни тугатиб, эндиликда халқаро майдонда миллий-озодлик учун курашаётган халқларни қўллаб-қувватлашга, Совет Иттифоқи билан ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан муносабатларни мустаҳкамлашга, Яқин Шарқ танглигини Исроил қўшинларини оккупация қилиб олинган араб ерларидан олиб чиқиб кетиш асосида одилона бартараф этишга қаратилган антиимпериалистик йўлни ўтказиб келмоқда.

Бу йўл АҚШ воситачилигида Исроил билан сепарат шартномалар тузишга интилаётган араб мамлакатларига ёқмаётир. Кейинги вақтларда Миср раҳбарларининг Ливия шаънига дўқ-пўписа қилаётганлиги, Қоҳирадаги Ливия элчиси ҳайдаб юборилганлиги ва Ливия—Миср чегарасидаги вазият кескинлашганлиги ана шундан далолат беради. Ливандаги фожиали воқеалар сингари Ливия теварагидаги воқеалар ҳам арабларнинг бирлигига яна бир зарба уришга, араб халқларини уларнинг бош вазифасидан — Исроил агрессиясига қарши курашдан чалғитишга интилаётган империализм ва реакция кучлари умумий планининг бир қисмидир.

Араблар шарқидаги ва унинг ташқарисидаги тараққийпарвар кучлар Ливия халқини қўллаб-қувватламоқдалар, империализмнинг араблар бирлиги ишига янги зарба бериш йўлидаги уринишларига қарши чиқмоқдалар. Улар мустақилликни мустаҳкамлаш ва янги турмуш қуриш ишида Ливия Араб Республикасининг халқига янги муваффақиятлар тилайдилар.

Н. ЗАБОРИН. (ТАСС).

ЕР „ШИФОКОРЛАРИ" МАСКАНИ

РЕПОРТАЖ

УЗОҚ йиллардан бери орзиқиб кутилган ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Бу кун Тошкент гидромелиорация техникумининг ўқувчилари ва ўқитувчилари учун алоҳида маъно, зўр шодиёна руҳ бахш этди. Уларнинг чексиз қувончини, чеҳраларидаги табассумни айтмайсизми?!

Пойтахтимизнинг Максим Горький проспектида техникумнинг эски биноси ёнида ажойиб иншоот — уч қаватли ўқув корпуси, иккита тўрт қаватли ётоқхона, ўқув-механика базаси, спорт зали ва бошқа замонавий бинолардан иборат комплекс 1 сентябрь куни ўқувчиларни ўз бағрига олди. Техникумнинг янги биноси пештоқига В. И. Лениннинг доҳиёна башорат қилиб айтган сўзлари ёзиб қўйилган: «Суғориш ўлкани тубдан қайта қуради, гуллаб-яшнатади. Ўтмишга хотима бериб, социализм сари одимлаб боришни тезлатади».

Янги ўқув йили арафасида бу ерда бўлдик. Бутун коллектив бир мақсад билан, яъни ўқув йилини пухта тайёргарлик кўрган ҳолда муносиб кутиб олиш орзуси билан яшамоқда: кимдир ҳовлига сув сепяпти, кимдир аудиторияларга стол-стулларни дид билан қўйиб чиқмоқда, яна бировлар деразаларни артиш, ҳар хил панно ва транспарантларни осиш, ўқув кабинетлари ва лабораторияларини жиҳозлаш билан банд. Бу ишларда айниқса яқиндагина кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ёш талабалар жонбозлик кўрсатмоқдалар. Уларнинг ака ва опалари — юқори курс ўқувчилари эса, эндигина учинчи меҳнат семестридан — студент қурилиш отрядларида фаол меҳнат қилиб, ноқоратупроқ зонанинг Новгород ва Иваново областларида ўқув практикаларини тамомлаб қайтмоқдалар. Мана энди улар машғулотларни янги ўқув корпусида бошлайдилар.

Бу шодиёна кунга етиб келиш осонликча бўлмади. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий орзу қилган «ҳаёт дарёси» ва «нажот денгизи»ни бунёд этиш феодализм шароитида мушкул бир муаммо эканини англаган меҳнаткаш халқ «Хонариқ»ни «Қонариқ» деб атади.

Революциягача Туркистон ҳам ёппасига саводсиз ўлка эди. Деярли бутун майдони суғориладиган ерлардан иборат бўлган бу ўлка олий маълумотлилар у ёқда турсин, ҳатто ўрта маълумотли мутахассислар — механиклар, техниклар, ирригаторларга жуда муҳтож эди. Улуғ Октябрь Социалистик революциясидан сўнггина ўлкада туб ўзгаришлар рўй берди. Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин Ўрта Осиёнинг суғориладиган ерларига катта эътибор билан қаради.

Туркистон Давлат университетининг қишлоқ хўжалик факультетидан ажралиб чиққан Туркистон халқ техникуми базасида 1923 йилга келиб Тошкент ирригация (ҳозирги В. А. Билбас номли гидромелиорация) техникуми ташкил топди. 1925 йилда техникумни 21 киши битириб чиққан бўлса, бу рақам йил сайин ортиб борди. Ҳозир техникум республика сув хўжалиги системаси учун йилига 400 дан ортиқ мутахассис етказиб бермоқда. Шунинг учун ҳам техникумнинг янги биносини қуриш ғояси 1940 йилда юзага келган эди. Улуғ Ватан уруши туфайли бу иш анча кейинга қолиб кетди. 1966 йилнинг апрелида рўй берган табиий офат натижасида техникум Янгиер шаҳрига кўчириладиган бўлди. Шу даврда Янгиерда техникумнинг филиали — ҳозирги Янгиер гидромелиорация техникуми ташкил топди. Ниҳоят, 1973 йили — ТГМТнинг 50 йиллик юбилейи нишонланган йилда бошланган қурилиш ишлари мана ниҳоясига етди.

Янги бинонинг очилишига бағишланган йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри С. Мамарасулов коллективни янги ўқув йили билан табриклагач қизил лентани қирқади. Ўқувчилар янги ёруғ аудиторияларга таклиф этилади.

ТГМТни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг «укаси» дейишади. Бунда рамзий маъно бор, албатта. Халқимизнинг эркин яратувчи меҳнати туфайли чўллар гулистонга айлантирилди, улкан каналлар, денгизлар ва бошқа гидротехника иншоотлари қурилди: ернинг мўъжиза хазиналари очилди. Аму ва Сир дарёлари ўртасида, Қашқа, Сурхон ва Зарафшон водийларида минг-минг гектарлаб пахтазорлар, боғу роғлар, Ильич чироғидан мунаввар бўлган хонадонлар барпо этилди. Шуларнинг ҳаммасини бунёдга келишида ТИИМСХ инженерлари билан қўлни қўлга бериб, олдинги сафда туриб меҳнат қилаётган Тошкент гидромелиорация техникумини битириб чиққан мутахассисларни ҳам кўп учратамиз.

Комсомол сафида чиниққан, республикада хизмат кўрсатган ирригатор, Тошкент шаҳар советининг депутати Ф. Ю. Мулюков бошчилик қилаётган техникум коллективига КПСС Марказий Комитетининг ўрта малакали кадрлар тайёрлашни янада яхшилаш соҳасидаги қарорини амалга ошириш борасидаги келгуси ишларида муваффақиятлар тилаймиз.

А. МАЪЗУМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.



Суратда: Тошкент гидромелиорация техникуми биносининг ташқи кўриниши.

А. Абалян фотоси.

ЗИЛЗИЛА ОҚИБАТЛАРИ ТУГАТИЛМОҚДА

ДЎСТЛИККА ҲАЙКАЛ

ВОҚЕА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙДАН РЕПОРТАЖ

Яқинда, Газлига ташриф буюрган бир хорижий сайёҳ бу ерни шундай таърифлади: «Қизилқумни Саҳрои Кабирга тўғри қиёслашаркан. Бу ерга қуёш жуда яқиндан туриб олов пуркашини ҳеч тасаввур қилмасдим. Шундоқ жойда шаҳар қураётганликларингизни кўриб, қойил қоляпман. Аммо, бу ерда илгари ҳам шаҳар мавжуд бўлганига сира ишонгим келмайди...».

Ҳа, оловкорлар маскани бўлган — Газли посёлкаси шу йилнинг апрель ва май ойларида содир бўлган даҳшатли зилзиладан кейин қаттиқ шикаст топди. Бу ҳақиқат, санашга осон: 120 минг квадрат метр уй-жой, 4 та мактаб, 5 та болалар боғчаси, 6 та ошхона, 10 та магазин, талай маданий-маиший бинолар бузилди. Бунинг оқибатида кўпгина аҳоли бошпанасиз қолди. Зилзиладан бутун Бухоро области зарар кўрди. Бироқ, табиий офат матонатли бухороликларнинг, айниқса газлилик оловкорларнинг иродасини бука олмади. Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги, дўст ва биродарларнинг беминнат ёрдами туфайли тезда ҳаёт ўз изига тушди. Оловкорлар чироғи бир дақиқа ҳам ўчмади, улар бошқараётган қудратли дастгоҳлар тўхтаб қолмади. Мамлакатимизнинг йирик саноат районларига, минг-минглаб хонадонларга «зангори олов» аввалгисидай етказиб берилди.

Зилзиладан кейин Газли чинакам жасорат майдонига айланди. Оловкорлар оғир шароитни ҳисобга олмай янада фидокорона ишлай бошлашди. Уларнинг болалари эса палаткаларда бўлса ҳам ўқишни давом эттиришди, боғча-яслилар ҳам палаткаларга кўчирилди. Ҳаммом, канализация, ошхона, шифохоналар, зарур маданий-маиший объектларнинг ҳаммаси зудлик билан ишга туширилди. Палаткалаштирилган посёлка хўжалигига электр линиялари тортилди, суюлтирилган газ билан таъминланди.

Ҳозир, Газлига кираверишда жуда кўплаб йиғма уйларга, турнакатор вагончалар, палаткаларга уйиб ташланган бинокорлик материалларига кўзингиз тушади. Бу ерда жуда катта иш бошлаб юборилаётганининг гувоҳи бўласиз. Юк автомобиллари, кўтарма кранларнинг ,бульдозер ва грейдерларнинг сони-саноғи йўқ. Улар кўҳна саҳрони парзага келтириб, ҳайқириб ишлашяпти.

— Минг ўқувчига мўлжалланган 2 та мактаб, 140 ва 280 ўринли иккита болалар боғчаси, 75 ўринли касалхона шунингдек, бир неча савдо точкалари, маиший хизмат уйи, ошхоналар поликлиника, клуб бинолари қурилиб, тез кунда ишга туширилиши керак, — дейди «Газлинефтегаз» газ ва нефть конлари бошқармасининг оператори, Газли посёлка Советининг депутати Лидия Озерова. — Қишгача 1050 та квартира барпо этилиб, оловкорларга туҳфа этилади. Газли посёлкаси икки йил ичидаёқ тўпа бунёдга келтирилади.

Партия ва ҳукуматимиз Газли қурилишини Бутуниттифоқ зарбдор қурилиши, деб эълон қилди. Мамлакатимизнинг деярли барча республикаларидан, йирик шаҳарларидан қурувчилар, мутахассислар қалб амри билан келиб меҳнат қилишяпти. Улар, қардошларча аҳил оиланинг қудрати нималарга қодир эканлигини яна бир карра намойиш этишяпти, Газлида кўп миллатли совет халқларининг пўлатдан мустаҳкам, нурдан ўткир, нондек улуғ дўстлигига муҳташам ҳайкал қурилмоқда.

Ана шу улуғ дўстлик «ҳайкали»ни бунёд этаётганлар даврасида бўлганимизда, шижоат ва жасорат намуналарини кўрсатиб ишлаётганини кўриб, азамат бунёдкорларга минг раҳмат, дегинг келади. Уларнинг қаердан келиб ишлашаётганини фақат бош кийимларидан, коржомаларидангина англаш мумкин. Каскасида «Болгария» деб ёзилган бу чайир йигит, болгар қурувчилари участкасининг бошлиғи Н. Хатуевдир.

— Бизнинг участкада 356 болгар қурувчиси ишлаяпти, — дейди у. Биз газлиликларга биттадан мактаб ва боғча, 50 та квартирали бир неча уй-жой биноларини қуриб беришни планлаштирганмиз. Тез кунларда мактаб билан боғчани қўлдан чиқарамиз.

— Дўст бошга кулфат тушганда билинади, — дейди украиналик қурувчилар бригадасининг бошлиғи В. Лисовский. Украинлар билан ўзбеклар биродарлиги, қардошлигининг илдизи жуда чуқур. Бизнинг тақдиримиз, қисматимиз ҳам бир. Тошкентдаги «Украина» кварталини бунёд этишда қатнашганмиз. Газлида ҳам «Украина» даҳаси бўлади. Бунда 150 та уй-жой қад ростлайди.

— Ўртоқ Лисовский жуда ҳақ гапни айтди, — сўзга аралашди доғистонлик бинокор Ж. Могометов.—Махачқалъада зилзила бўлганида ўзбек биродарларимиз ҳам ҳиммат қўлини узатишгани эсимизда. Менинг касбим ғишт терувчилик. Ҳозир уй қуряпмиз. Газли тўла қурилиб бўлгунча шу ерда ишлашга аҳд қилганман.

Ульяновсклик қурувчи В. Монеев, Ангарск шаҳридан келган бинокор В. Гулкова, «Главташкентстрой» трестига қарашли механизациялашган кўчма колоннанинг участка бошлиғи В. Безгсров ва бошқа кўплаб ҳамсуҳбатларимиз Газлини янада гўзал шаҳарга айлантиришга бел боғлаганликларини гапириб беришди.

Бу йил областнинг Газли, Бухоро, Когон, Ғиждувон, Навоий шаҳарларини қайта қуриш ишига Иттифоқимизнинг барча республикаларидан қарийб 400 студент-қурувчи келиб ишлади. Шундан 2300 таси «Москва, Смоленск, Волгоград, Ростов, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Нукус сингари шаҳарлардаги ўқув юртларининг студентларидир. Биргина Газлида 1200 комсомол қурувчи-студент учинчи меҳнат семестрини ўтказишди.

СССР Давлат банкининг Бухоро шаҳар бошқармасидаги зилзила оқибатларини тугатиш бўйича очилган 170046 счётига корхоналар, ташкилотлар, коллективлар ва айрим кишилардан пул маблағлари тушиб турибди. Булар гўзал Газлини янада гўзал ва обод қилишга сарфланмоқда.

Ҳ ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ФАН ВА ТЕХНИКА ОЛАМИДА

ЯНГИ МЕДИЦИНА АППАРАТИ

Чехословакиялик олимлар янги медицина аппарати — юқори частотали реокардиограф ясадилар. Бу аппарат электромагнит майдони ёрдами билан юрак фаолияти моделини вужудга келтиради. У оддий электрокардиографга нисбатан юракнинг ишлашини янада аниқроқ акс эттиради. Янги аппарат ёрдами билан текшириш оғриқсиз ўтади ва бир неча секунд давом этади. Ҳозир корхоналардан бирида реокардиографни кўплаб ишлаб чиқаришга тайёргарлик олиб борилмоқда.

ҒАЛАТИ ДРЕНАЖ ҚУВУРЛАР

Австрияда пластмассадан қатма-қат дренаж қувур ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Улар пишиқ бўлгани ҳолда енгил, эластикдир, ётқизиш ва ташишга ҳам қулай. Австриядаги фирмалардан бири махсус «дренаж плуг» ясади. Бу плуг қувурларни бир йўла ётқизиб боради.

ЯНА БИР АНТИБИОТИК

ЧТК агентлигининг хабар беришича, чехословакиялик мутахассислар янги «мунидирмин» деган антибиотик яратдилар. Бу дори терининг замбуруғли касалликларини даволашда ишлатилади.

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

ДАМ БЕРИБ ЮК ТУШИРИЛАДИ

Майда материалларни вагондан тушириш машаққатли иш. Бунинг устига қаттиқ совуқда улар баъзан яхлаб қолади ва ишни анча мураккаблаштиради.

Ленинградлик новаторлар содда, лекин самарали бир усулни таклиф қилдилар. Улар юкни дам бериб тушириш усулини ишлаб чиқдилар. Майда материал ортилишидан аввал платформага резина-мата пуфак ётқизилади. Платформа манзилга етиб боргач, шу пуфакка ҳаво юборилади. Пуфак тенг ёнли учбурчак шаклига киради ва устидаги юк 4—6 минутда тўкилиб бўлади.

Бу ишнинг иқтисодий самараси Ленинград шаҳар ижроия комитети бинокорлик материаллари ва деталлари саноати бош бошқармаси корхоналарининг ўзидагина йилига тахминан икки миллион сўмга боради. Бу янгилик СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг машинасозлик павильонида кўрсатилмоқда.

О. РОБИНОВ,
(ТАСС).

КЕСКИ ЎРНИДА НУР

СССР халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Радиоэлектроника» павильонида намойиш этилаётган «ЛГА» лазер автоматининг намунаси ёлғизлигича узоқ қолмайди: у босма қолиплар тайёрлашда жуда қулай келди. Бу ишда газ лазерининг нури анъанавий механик кески ўрнида яхши ишлайди. Лазер нури ишлатганда одатдаги фотохимик жараёнларга эҳтиёж қолмайди. Юзига махсус модда суртилган материалнинг кераксиз жойларини нур бир лаҳзада буғлантириб, бўёқ ёпишадиган элементларини қолдиради. Ҳосил қилинадиган клише штрихли, ярим тонли ёки комбинацияли бўлиши мумкин.

«ЛГА» лазер автоматининг келажаги катта. Ҳозир мутахассислар унга газета саҳифасини олисга юборувчи программа қурилмасини улаш устида ишламоқдалар.

Г. БОЙКОВ,
(ТАСС).

АХБОРОТ

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

АНДИЖОНЛИКЛАР ҲИССАСИ

ЧИТА. Андижон пахтачилик институтининг «Дўстлик» номини олган қурувчи студентлар отряди Аргун дарёси билан Забайкальск ўртасида бунёд этилаётган сув тозалагич станциясида ишламоқдалар.

Бу катта қурилиш объектида студентлар бетон қуйиш, пайвандлаш каби мураккаб ишларни бажариб, турли машиналарни бошқараётирлар. Меҳнат семестри янги ўқув йили бошлангунга қадар давом этади.

И. САИДОВ.

АГИТБРИГАДА ДАЛАДА

САМАРҚАНД. Область партия ва комсомол комитетлари қарори билан пахтакорларга хизмат қиладиган бадиий агитбригада ташкил қилинди. Агитбригадада областнинг шаҳар ва районларидаги саноат корхоналари, олий ўқув юртларининг бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзолари, лекторлар ва бошқа мутахассислар бор.

Агитбригада яқинда областнинг Булунғур, Жомбой, Оқдарё, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай районларида бўлиб, дала шийпонлари ва клубларида концерт бердилар. Лекция ва суҳбат ўтказдилар. Бригада аъзолари энди Пахтачи районига жўнаб кетдилар.

Т. САРИЕВ.

ТУРСУНОЙЧИ ҚИЗЛАР

ҚАШҚАДАРЁ. «Узсельхозтехника» Чироқчи район бирлашмаси республика комсомол-ёшларининг 100 минг механизатор тайёрлаш ташаббусини қўллаб-қувватлаб, бирлашма ҳузурида механизатор қизлар тайёрлайдиган курс очди.

Янги ташкил қилинган мактабда ҳозир область район ва қишлоқларидан келган 70 қиз таълим олмоқда. Улар йиғим-терим мавсумигача механизаторлик гувоҳномасини оладилар.

Ҳ. ШАЙНАЕВА.

ЎҚУВЧИЛАР УЧУН

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР. Автоном республиканинг Беруний район колхозлараро қурилиш бошқармаси коллективи райондаги Киров номли колхозда ўқувчилар учун яна бир янги мактаб биносини қуриб берди. Мактабда 400 дан ортиқ бола таълим олади.

М. МУХАНОВ.

Ахлоқ мавзуида

ОБРЎ ВА МАНСАБ

Абдушукур Шоназаров дастлаб бир неча йил Нишон районидаги «Пахтакор» колхозига раислик қилди. Партия ва ҳукуматимиз кейинги йилларда Қашқадарё областида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, хусусан пахтачиликни юксалтириш юзасидан жуда катта тадбирларни амалга оширмоқда. Йирик сув омборлари, каналлар қуриб битказилди. Бу ғамхўрликдан баҳраманд бўлаётган пахтакорлар янги ерларга сув чиқармоқдалар, ҳосилдорлик йил сайин ошиб боряпти. Ўз-ўзидан равшанки, Абдушукур Шоназаров раислик қилаётган хўжаликда ҳам ҳосилдорлик ошди, маҳсулот кўпайди. Бу эса раисга шон-шуҳрат келтирди. Лекин у шон-шуҳратни кўтара олмади. Колхоз хазинасига путур етказди, ахлоқан юз-тубан кетди.

Колхозчилар, қишлоқ активлари раиснинг нотўғри хатти-ҳаракатларига бефарқ қараб тура олмадилар. Колхозда бошланган тартибсизликлар раисни ишдан бўшатиш билан барҳам топди.

Шундан сўнг собиқ раис Абдушукур Шоназаров бир йилдан кўпроқ гоҳ аллақайси идораларда ишлаб, гоҳ бекор юрди. Раислик пайтида орттирган ошна-оғайнилари унга яна ёрдам қўлини чўзишди. У тўғридаги гап-сўзлар бир оз сусайиши билан, кимларнингдир қўллаб-қўлтиқлашида янада каттароқ лавозимга, Қарши даштида ташкил топган 21-совхозга директорликка тавсия этилди.

Директорлик курсисига ўтириши билан у ўзининг нопок ишларини давом эттирди. Атрофига нуқул қариндош-уруғларини тўплай бошлади. Директор ўзига юклатилган масъулиятли вазифани бажаришни эмас, балки тинчини, қариндошларини ўйлаб иш тутди, шахсий бойлик орттириш тараддудига тушди.

Янги директор уялмай-нетмай укаси Бўри Шоназаровни бўлим бошқарувчиси этиб тайинлади. Ульянов районининг Фазли қишлоғидаги ўрта мактабда директор ўринбосари бўлиб ишлаб турган жияни Шониёз Ботировни ўзига ўринбосар қилиб олди. Ҳозирги кунда Шониёз Ботиров ҳам совхознинг бир бўлимига бошқарувчилик қилиб, директор тоғасининг паноҳида қинғир ишларни давом эттирмоқда.

Директор совхоздаги катта-кичик лавозимларни ўз хеш-ақробаларига бўлишиб берди. Улар ҳам қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Бешикдаги болаларигача ведомостга тиркаб, совхоз мулкини талон-торож қилишяпти.

Натижада совхозда ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилмоқда. Планлар бажарилмаётир. Қўшни 24-совхозда пахта ҳосилдорлиги деҳқончиликнинг биринчи йилиёқ гектарига 17 центнерга етказилгани ҳолда Абдушукур Шоназаров раҳбар бўлган совхозда ўтган йили ҳар гектар ердан 7,5 центнердан ҳосил кўтарилди, холос. План эса 50 процентда қолиб кетди. Бу йил ҳам аҳвол яхши эмас.

Совхозда шароитнинг йўқлигидан даштга келган кишиларнинг бир қанчаси кетиб қолди. Қисқа вақт ичида қўшни Самарқанд ва Андижон областларидан, Қашқадарёнинг, Шаҳрисабз, Қамаши районларидан келган пахтакорлар директорнинг бебошлигидан безиб, меҳнат шароити яратилмаганидан кетиб қолишга мажбур бўлишди. Директор эса ҳар икки гапнинг бирида ишчи кучларининг етишмаслигидан нолийди.

Абдушукур Шоназаровнинг бундай ножўя ҳаракатларига Ульянов район партия комитети томонидан чек қўйилмаётир. Бундан руҳланган нопок директор қинғир ишларини бемалол давом эттиряпти.

Қаламга олган яна бир шахснинг исми-шарифи Александр Павлович Кондрашиндир. Уни илгари оддийгина қилиб Саша деб чақиришарди. Ўшанда у камтаргина, буюрилган вазифани тезда бажаришга ошиқадиган йигит эди. Уни партия аппаратига ишга олишди, сиртдан педагогика институтини битириб олишга шароит яратиб бердилар.

Кейинроқ уни Шаҳрисабздек йирик район партия комитетининг иккинчи секретарлигига тавсия этдилар. Энди уни ҳурматлаб, Александр Павлович деб мурожаат қиладиган бўлишди. У бу ҳурмат-иззатни бошқача тушунди, тезда одамларни менсимай, район активлари ва коммунистлар билан ҳисоблашмай қўйди.

Бу қилиқлари билан ўзи эгаллаб турган юксак мартабага нолойиқ эканлигини кўрсатди. Шуниси ачинарлики, А. П. Кондрашин партия ходимининг шаънига сира ҳам тўғри келмайдиган нопоклик йўлига кириб олди. Унга бу йўлдан қайтишни маслаҳат берганларни, танқид қилганларни назар-писанд қилмади. Натижада обрўдан ажралди, коммунистлар назаридан қолди. Коммунист учун коллектив назаридан қолишдек фожиа бўлмаса керак.

Ҳозир у ҳуқуқшунослиқдан бутунлай бехабар бўлишига қарамасдан, кимларнингдир кўмагида «Каршистрой» бошқармасига қарашли «Каршицелинхлопок» трестида бош юрист бўлиб ишлаб турипти. А. Кондрашин отдан тушса ҳам эгардан тушмаётир.

Ҳар бир лавозимга кадр танлаганда унинг лаёқати, қобилияти, билими ва ниҳоят шу мансабга лойиқлик даражаси ҳисобга олиниши, унинг коллективда обрў-эътибор қозониши каби раҳбар учун сув билан ҳаводек зарур сифатларнинг мужассамлашган бўлиши зарур. Лекин ҳамма жойда ҳам ана шу партиявий принципга қатъий амал қилинмаётгани кишини таажжублантиради.

Айрим кишиларнинг тасодифан мансабга эришиб олаётгани, уларни кимлардир ҳимоя қилиб, у ишдан ҳайдалса, бу ишга жойлаштириб қўяётгани жамоатчиликни ажаблантиряпти. Кадрлар билан ишлашнинг бундай кўринишларига тез барҳам бериш зарур.

П. ГАДОЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

ФАРҒОНА САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ

САЁҲАТЧИЛАРНИ ҚИЗИҚАРЛИ САФАРГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ЮРИЙ ДОЛГОРУКИЙ» ТЕПЛОХОДИДА **«ФАРҒОНА — МОСКВА»** (поездда), **сўнгра «МОСКВА — ЯРОСЛАВЛЬ — КОСТРОМА — ГОРЬКИЙ — ҚОЗОН — УЛЬЯНОВСК — КУЙБИШЕВ — САРАТОВ — ВОЛГОГРАД — АСТРАХАНЬ — УГЛИЧ — КАЛИНИН — МОСКВА» маршрути бўйича теплоходда.**

Туристлар — 27 сентябрда «АНДИЖОН — МОСКВА» 33-поездида қаҳрамон-шаҳар Москвага келадилар. Москвада шаҳар бўйлаб экскурсия ташкил этилган.

Теплоход тўхташ жойларида шаҳарлардаги диққатга сазовор жойлар, тарихий ва архитектура ёдгорликлари билан танишиш мумкин.

Бундан ташқари, теплоход туристларнинг чўмилиб олишлари, балиқ тутишлари учун алоҳида тўхтаб ўтади.

Теплоходдаги саёҳат 20 кун давом этади.

Саёҳатчилар 16 октябрда «МОСКВА — АНДИЖОН» 34-поезди билан Фарғонага қайтиб келадилар.

Путёвка нархи 310 сўм (1 класс), **276 сўм** (2 класс), **224 сўм** (3 класс).

Мурожаат учун адрес: Фарғона шаҳри, М. Горький кўчаси, 29-уй. Телефон: 4-05-87, 4-70-43.

Фарғона саёҳат ва экскурсия бюроси расчёт счётининг номери 60913 бўлиб, давлат банкининг Фарғона бўлимида.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Эрталабки гимнастика. 10.30 — Горнчилар, қаердасиз? 11.15 — **Кундузги поезд** (бадиий фильм). 15.25 — Телефильмлар. 16.15 — Рус сайёҳлари ва тадқиқотчилари. 16.45 — Шахмат мактаби. 17.15 — Концерт. 17.45 — Китоб — давр — китобхон. 18.15 — Қувноқ нотлар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Киножурнал. 19.25 — А. Хачатурян. «Тантанали поэма». 19.45 — Вьетнам Социалистик Республикасининг миллий байрамига бағишланган кўрсатув. 20.40 — **Антон Ивановичнинг жаҳли чиқди** (кинокомедия). 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — Спорт программаси.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун кинофильм. 12.00 — **Уч карра текширув** (бадиий фильм). 18.30— Кинофильм. 18.50 — Студентлик — олтин даврим. 19.25— **«Ахборот»**. 19.40 — Н. Иорданов. **«Хоин изидан»** (телеспектакль, 2-қисм). 21.00 — **«Ахборот»**. 21.20 — Созимда севги васфи. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — Ҳам пахта, ҳам чорва. 22.50 — **Севишганлар** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун телефильм. 19.25 — Ўқитувчилар учун консультация. 19.55 — Шифокор суҳбати. 20.05 — Классик дуэтлар. 20.40 — Тошкент янгиликлари. 20.55 — **Бир йигит ҳаётидан тўрт саҳифа** (бадиий фильм).

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Жиноят — «ҚОЗОҒИСТОН» (11, 13, 15, 17, 19, 21), «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда). «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Сўнгги қурбон — САНЪАТ САРОЙИ (19.45, 21.15), «ВОСТОК» (10, 12, 14, 16, 18, 19.40) «МОСКВА» (11, 12.30, 14, 16, 18 19.30, 21.15), «НУКУС» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Сўнгги қурбон — «ФЕСТИВАЛЬ» (20.30, 22.20).

Жиноят — «ХИВА» (20.30, 22.20).

●

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1 СЕНТЯБРДА

1977 йил учун

БЮДЖЕТЛИ ОБУНА БОШЛАНДИ

Баъзи бир марказий ва республика журналларининг нархи ўзгарганлиги муносабати билан обунани 1977 йил каталоги бўйича расмийлаштиришни сўраймиз.

Узбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

Тошкент телевидение студияси коллективи саноат редакциясининг редактори Ж. О. Умаровга рафиқаси

Зебинисо Усмоновна УМАРОВАнинг

узоқ давом этган касалликдан сўнг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Халқ хўжалик институти коллективи иқтисодий география кафедрасининг доценти М. Ёқубовга онаси

Лутфихон ХУЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/IX да **Кўрмайин босдим тиконни,** 3/IX да **Келинлар қўзғолони** (билетлар сотилган).

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти; 41 * ТЕЛЕФОНЛАР
Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.
Р. 14742.
Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри
Индекс 64583.
В. — 205.